Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA

2021-yil 17-dekabr / № 51 (4658)

БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ НАМОЯНДАЛАРИ ВА МУХЛИСЛАРИГА

Муҳтарам юртдошлар!

Қадрли бахшичилик санъати намояндалари ва мухлислари!

Барчангизни халқаро миқёсдаги катта хушхабар – шу йил 16 декабрь куни ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни асраш ҳукуматлараро қўмитаси томонидан Бахшичилик санъати Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилгани муносабати билан самимий мубораклаб этаман.

Ушбу муҳим ва қувончли янгилик маданият арбоблари, устоз бахшилар ва иқтидорли ёшларимиз, фольклор санъатининг барча ихлосмандлари, кўп миллатли халқимиз учун албатта ғурур ва ифтихор бахш этади.

Бу юксак эътироф дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданиятига, ранг-баранг ижодий мактаблар ва изчил ривожланиш силсиласига эга бўлган ноёб бахшичилик санъатига улкан ҳурмат-эътиборининг ёрқин ифодасидир.

Дарҳақиқат, халқ оғзаки ижодининг ушбу гўзал ва бетакрор намунаси мамлакатимизда минг йиллар давомида ривожланиб, баланд чўққиларга кўтарилди. Бахшичилик санъати юртимиздаги турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш йўлида беминнат хизмат қилиб келди ва бугунги кунда ҳам бу шарафли вазифани тўла адо этмоқда. Ёшларни она юртга, миллий-маданий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни адолат ва инсонийликка чорлаш, баркамол авлод бўлиб вояга етишида эзгулик элчилари бўлган бахши, оқин ва жировларнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир.

Бахшичилик санъати ижрочидан бир вақтнинг ўзида ҳам моҳир шоир, ҳам истеъдодли хонанда, ҳам уста созанда ва актёрлик маҳоратига эга бўлишни талаб этишини, бунинг учун нафақат туғма қобилият, айни вақтда юксак ижодий салоҳият, тинимсиз изланиш зарурлигини яхши биламиз.

Ўзбекистон замини Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил бахши, Ислом шоир, Пўлкан шоир, Бола бахши Абдуллаев, Шоберди Болтаев, Боборайим Маматмуродов, Абдуназар Поёнов, Қора бахши Умиров, Шомурод Тоғаев, Қодир бахши Раҳимов, Зиёдулла Исломов, Норбек бахши Абдуллаев, Қаландар бахши Норметов, Абдуқаҳҳор ва Абдумурод Раҳимовлар каби ўнлаб бетакрор истеъдод соҳибларини етиштирди ва бу анъана изчил давом этмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда самарали фаолият олиб бораётган 250 нафардан ортиқ соҳа вакиллари орасида 25 нафарга яқини “Ўзбекистон халқ бахшиси” ва “Қорақалпоғистон халқ бахшиси” унвонлари, 1 нафари “Дўстлик ордени”, 11 нафари “Шуҳрат” медали, 7 нафари “Ниҳол” мукофоти, 2 нафари “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланганини қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда ушбу қадимий санъат турини асраб-авайлаш, ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида сўнгги пайтда қабул қилинган Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари соҳа ривожига янги ҳаёт бағишлаганини таъкидлаш ўринлидир. Жумладан, юртимизда ЮНЕСКО шафелигида ҳар икки йилда Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш яхши анъана тусига кирди. 2019 йил апрель ойида Термиз шаҳрида ўтказилган биринчи ва жорий йил сентябрь ойида Нукус шаҳрида ташкил этилган иккинчи фестиваль минтақа ва халқаро ҳамжамият маданий доираларида катта қизиқиш уйғотди.

Бугунги кунда мамлакатимизда бахши-шоир ва оқинлар ўртасида халқаро кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда, таълим муассасаларида бахшичилик санъати сирларини ўқитиш, келажак авлодларга етказиш борасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Энг муҳими, бундай кенг кўламли чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, ҳозирги вақтда республика бўйича бахшилар синфи 115 тага етиб, уларда таълим олаётган ўқувчиларнинг умумий сони 1500 дан, ўқитувчилар сони эса 245 нафардан ортиқни ташкил этаётгани бу йўналишдаги ишларимиз кўламидан далолат беради.

Ҳурматли ватандошлар!

Бахшичилик санъатини ривожлантириш йўлида эришган натижаларимиз ва уларнинг халқаро эътирофи бизни руҳлантириб, улкан марраларга чорлайди. Биз бу ноёб маданий меросни асраш, ривожлантириш ва оммалаштириш, жумладан, бахшиларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун янги имкониятларни сафарбар этамиз. Бу борада энди бизга ЮНЕСКО бошчилигида халқаро ҳамжамият ҳам мададкор бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор барчангизни, бутун халқимизни ушбу тарихий воқеа муносабати билан чин дилдан қутлайман.

Юртимизда бахшичилик санъати янада равнақ топсин, бахши, оқин ва жировларимизга эса жонажон Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этишда янги ютуқ ва муваффақиятлар ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўткир Хошимов таваллудининг 80 йиллиги

Давлатимиз раҳбарининг **“Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”**ги тарихий қарорида **“Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига унутилмас ҳисса қўшган атоқли адиб ва жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан аҳамияти”** алоҳида таъкидланган эди.

БАҲОР ҚАЙТАДИ

Қарор ўзбек адабиётига ҳурмат-эҳтиромнинг давлат миқёсидаги юксак эътибори ва ёрқин намунаси бўлди.

Дарҳақиқат, халқимизнинг севимли адиби Ўткир Ҳошимовнинг бутун ҳаёти ва уйғоқ ижоди шундай олиймақом эътирофга муносиб.

Ёзувчи ўз тенгдошлари ва сафдошлари Шукур Холмирзаев, Ўлмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар қаторида улуғ устозлари Абдулла Қаҳҳор назарига бежиз тушмаган эди.

Бундан ярим асрдан кўпроқ вақт илгари улкан адиб Абдулла Қаҳҳор ёш истеъдодли қаламкаш Ўткир Ҳошимовнинг “Чўл ҳавоси” қиссасини ўқиб: **“Бирдан лов этиб аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади. …Шу аланга ҳеч қачон пасаймасин, ижодингиз ҳеч қачон тутамасин!”** – дея бўлажак халқ ёзувчисига ўзининг оталарча хайрихоҳлигини изҳор этган эди.

Ўткир Ҳошимов ўзининг оташин ижодий фаолияти билан устозлар ишончини тўла тўкис оқлади.

Ўша пайтларда **Ўлмас Умарбеков**нинг **“Одам бўлиш қийин”**, **Шукур Холмирзаев**нинг **“Ўн саккизга кирмаган ким бор”** ва **Ўткир ака**нинг **“Баҳор қайтмайди”** номли қиссалари миллионлаб ўқувчилар, талаба-ёшлар орасида катта шов-шувларга сабаб бўлиб, қўлма-қўл ўқиларди. Айниқса, **“Баҳор қайтмайди”** асари асосидаги видеофильм телевидение орқали кенг халқ оммасига намойиш этилгандан кейин ёзувчининг шуҳратига шуҳрат қўшилди.

Мен яхши эслайман, биз ўрта мактабнинг саккизинчи синфида ўқир эдик. Ўсмирлик паллаларининг барча сурур ва орзу-умидларини ўзида мужассам этган ушбу асар бизнинг кўнгилларимизда ҳам турфа ажиб туйғуларни уйғотганини асло унутиб бўлмайди.

Энди билсак, ўша телеасар бугунги кўркам миллий сериалларнинг катта дарёларини бошлаб берган сарчашмаси экан.

Не бахтки, тақдир бизнинг авлодни ҳам улуғ ва меҳрибон устозлар билан беармон сийлаганини айтиб ўтмоқ жоиз.

Неча авлод ёзувчи ва шоирларини тарбиялаб вояга етказган “Тошкент оқшоми” газетаси таҳририятининг Адабиёт бўлими бошлиғи сифатида фаолият олиб бораётган энг қизғин дамларда Ўткир ака билан илк бора учрашганимиз ҳеч эсимдан чиқмайди. “Э-э, Шукуржон айтган шоир йигит сизмисиз?” – дея очиқ юз билан кутиб олгани кечагидек кўз олдимда турибди.

Ўткир ака Ғафур Ғуломни жуда яхши кўрар эди. Ҳаммамизга “Ғафур Ғуломнинг ижодини ўқиш керак, ўрганиш керак” дея қайта-қайта уқтирар эди. Айниқса, устоз шоиримизнинг **“Тошкент оқшоми”** газетасига бағишлаб ёзган шеърини тилидан бол томиб мақтар эди.

“Тошкент оқшоми” газетасининг 1966 йилнинг 1 июл сонида босилган меҳр булоғидай ушбу шеър ўқувчини ҳамон ҳайратга солади.

Оташин ишқдан тўлиқдир
доимо жомим менинг,
Соядек ёнимда ёндош
дўстим – илҳомим менинг.

Шом қуёшин шуъласидан
бу тўқилган тўр эмас,
Зар балиқлардан умидвор
ташлаган домим менинг.

Бу ғазални ёдлаб олу
гулни уз, чаккангга тақ,
Мингта ошиқ, мингта
маъшуқларга инъомим менинг.

Умрнинг тонгин, кун ўрта
чоғини хўб куйладим,
Нурли мисраларни кутгай
бахтли оқшомим менинг.

Юзга кирмак мўлжал олсанг,
сабр қил юз йилгача,
Қирқ ўғил-қизга бибидур
гул-гуландомим менинг.

“Тошкент оқшоми”н ёзиш
ния эди, хуллас калом,
Шеър ёзмоққа фаранг
Ғафур Ғулом номим менинг.

Президент қарори ижроси доирасида адибнинг муҳташам танланган асарлари нашр этилди, Ёзувчи яшаб ижод қилган хонадонга хотира лавҳи ўрнатилди. Қарорда таъкидланганидек, умумий ўрта таълим мактаблари, ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида **“Ўткир Ҳошимов асарлари билимдонлари”** мавзусида танлов ўтказилиб, ғолиблар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида муносиб тақдирланди.

Ёзувчининг асарлари халқ орасида ҳамон энг кўп нашр қилинаётган, энг кўп ўқилаётган, энг кўп эътироф этилаётган ҳақиқий ва чинакам ижод дурдоналаридир.

Ўткир Ҳошимовнинг беҳаловат ва бетиним ижтимоий фаолияти ҳақида ҳам соатлаб гапириш мумкин. Айниқса, унинг долзарб мавзудаги ўткир публицистик мақолалари ўз даврида қизғин баҳс-мунозаралар ва муҳокамаларга сабаб бўлган эди...

Шу боисдан унинг “Дунёнинг ишлари” номли асари ўзбек оналарига қўйилган тирик ҳайкалнинг беназир тимсолидир. “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” эса – умр ҳошиясидаги битиклардай жонли тилимизда барҳаёт янграб турибди.

Президент “Адабиёт – халқнинг юраги” дея таърифлаганидек, халқ юрагидан жой олган асарларгина умрбоқий яшаб қолади. Эл севган адиб Ўткир Ҳошимовнинг ибратли ҳаёти ва ижоди бунга мисол бўла олади, дея қатъий ишонч билан бемалол айтамиз.

Бугун Янги Ўзбекистон оламга юз тутмоқда. Ватан миллат маънавияти учун баҳор ва навбаҳорлар яратган ўз фарзандларини қадрламоқда. Маърифат ва адабиёт баҳори қайтганлиги муборак бўлсин!

У пайтлар биз ҳали ёш бола эдик,
Завқу орзуларга лиммо-лим юрак.
Томларда югурган гуллола эдик,
Гўзал оқшомлардан бергансан дарак.

Ҳали “Маҳаллада дув-дув гап” – ҳаёт,
Ўлмас Лутфихоним ая сиймоси.
Шундадир дилларга нур берган баёт,
Шундадир меҳрнинг асл кимёси.

Оддий темирчининг оталик тафти
Етгайдир дунёнинг болаларига.
Бунда чизиқлари оналар кафтин
Уланган қуёшнинг толаларига.

Мен баҳордан қолган қалдирғоч эдим,
Қалдирғоч қайдадир қишламоғи шарт.
Қалдирғоч, айниқса ёш шоир бўлса,
Энг аввал “Оқшом”да ишламоғи шарт!

Азиз устозларга мен қўйиб ихлос,
Ранжу заҳматларин кўргандим бунда.
Ҳаётнинг шафқатсиз кўзларига рост,
Тик қараб яшашни ўргандим бунда.

Бунда ҳар бир ниҳол келинчак бўлгай,
Офтобтахтим менинг, ойтахтим менинг.
Кўприклар эврилиб келажак бўлгай,
Оламга остонам – пойтахтим менинг.

Фақат кўнгиллардан таралсин ёлқин,
Бағринг бутун бўлсин, яро бўлмасин.
Оқсарой мисоли мунаввар қолгин,
Оқшоминг ҳеч қачон қаро бўлмасин.

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

2-3

АДАБИЁТ ДАРСИ

ЙИЛЛАР САНОҒИГА СИҒМАГАН УМР

Ижодкорнинг умри унинг бу ёруғ оламда яшаган йиллари билан ўлчанмайди. Чинакам адиб халқ қалбида узоқ вақт сақланиб қолади, ижодий меросидан неча-неча авлод вакиллари баҳраманд бўлади. Бу фикрни машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов мисолида ҳам айтиш мумкин.

Адиб ижоди ўқувчиларни оҳанрабодек ўзига тортади. Айтматов халқнинг тилида ва дилида турган, пишиб етилган муаммолардан баҳс очади, уларни жамоатчилик ҳукмига дадил ҳавола этади. Ижодининг бошланиши жиддий танқидий мақолалардан иборат эди. Миллий мавзуда ёзилган дастлабки тоғ ва дашт қиссалари эса ёш қаламкашга шуҳрат келтирди. Нафис лирик кечинмалар, романтик бўёқларга бой “Ашим”, “Қизил олма”, “Сепоячи”, “Оқ ёмғир”, “Рақиблар”, “Байдамтол соҳилларида” каби илк ҳикоялари, орадан бир-икки йил ўтгач “Жамила”, “Юзма-юз”, “Сарвқомат дилбарим” қиссалари бадиий адабиётга катта истеъдод эгаси, ҳаётни тийрак кўз билан кузатувчи ёш ижодкор кириб келаётганидан дарак эди. Уларда ўша йилларнинг ижтимоий-маънавий манзараси ўзининг қуйма ифодасини топган эди. Шуниси эътиборлики, Айтматовнинг дастлабки мақола, очерк ва фельетонларида кўтарилган муаммолар кейинчалик унинг қиссаларига кўчди. Масалан, “Байдамтол соҳилларида” ҳикоясида тилга олинган воқеа “Сарвқомат дилбарим”да, “Рақиблар” ҳикоясидаги воқеа “Юзма-юз”да, “Оқ ёмғир”даги таъсирчан сюжет “Жамила”да, машҳур чорвадор Телегей Алмамбетовна ҳақидаги очерк қаҳрамонининг кечинмалари “Момо ер” повести қаҳрамони Тўлғаной тимсолида, “Чўпоннинг янги ўтови қани?” танқидий мақоласидаги маиший муаммо “Алвидо, Гулсари”да, “Бу сизнинг айбингиз, ҳамқишлоқлар” мактубидаги ачинарли факт “Сарвқомат дилбарим” асарида ўзининг мантиқий ривожини топди.

Ўтган асрнинг олтмишинчи-етмишинчи йилларида матбуотда бўлажак адибнинг кўплаб мақолалари, интервью ва суҳбатлари эълон қилинган. Уларда муаллифнинг миллий адабиёт, маданият ва қадриятлар, тарихий мерос, она тили, ёш ижодкорларнинг бурч ва масъулияти тўғрисидаги қарашлари баён қилинган. Чунончи, “Адабиётнинг ёш гражданларига” сарлавҳали мақолада муаллиф адабиёт майдонига кириб келаётган ёш истеъдодларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ютуқларини холис баҳолаш, шубҳасиз, адабиёт ва маданиятнинг ривожланишига олиб келишини, ижодкорларнинг кекса авлоди вакиллари ўзларининг ёш ўринбосарлари тўғрисида ҳамиша ўйлашлари зарурлигини таъкидлайди. “Қирғиз прозасининг келажаги” мақоласида бу жанрнинг ютуқ ва камчиликлари, эътибордан четда қолаётган мавзулар, ёш қалам соҳибларининг миллий адабиёт ривожига қўшишлари зарур бўлган ҳиссалари қаламга олинади. “Қадимги қирғиз руҳининг юксак чўққиси” сарлавҳали эсседа “Манас” эпосининг фалсафий, маънавий-ахлоқий жиҳатлари хусусида мушоҳада юритади. Эпоснинг Сағимбай Орозбаковдан ёзиб олинган вариантига тўхталиб, “бу буюк асар сўз, мусиқа ва ижрочилик маҳоратини ҳам юксак чўққига кўтарди”, деб таъкидлайди.

“Адабиётимизнинг ёш вакиллари тўғрисида ғамхўрлик” мақоласида қуйидагиларни ўқиймиз: “Ҳар бир халқнинг, у катта бўладими, кичик бўладими, бундан қатъи назар, ўз она тили – бебаҳо миллий бойлиги бўлишини, бу тилни асраб-авайлаш, келажак авлодларга бутун жозибаси билан етказиб бериш зарур”. “Янгилик шабадалари” мақоласида: “Халқнинг эпик асарларида, эртак ва афсоналарида чуқур ҳаётий мазмун, социал ахлоқий ва фалсафий умумлаштириш бўлмаганида, улар бугунги кунда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмас эди”, дейди. Адабиётшунос Т.Меликянц билан мулоқотида Ўрта Осиё минтақаси халқлари иқтисодий ва ижтимоий турмушида мавжуд бўлган айрим муаммолар, табиатни асраб-авайлаш зарурлигига оид анча дадил фикрларга дуч келамиз. Айтматов айни шу суҳбатда экологик маданият ва унга қатъий амал қилиш лозимлиги тўғрисидаги фикрини даврнинг муҳим вазифаси сифатида жамоатчилик эътиборига ҳавола қилади.

Қирғиз тилида ёзилган юқоридаги мақолаларнинг аксарияти Чингиз Айтматов ижодига бағишланган тўпламлардан ўрин олмаган, бинобарин, улар тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолган. Уларни ўрганар эканмиз, публицист адиб ўзининг деярли ҳар бир чиқишида давр, бадиий адабиёт, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги маълум бир ҳолат тўғрисида жиддий, бошқаларникидан фарқ қиладиган мулоҳаза юритганига ишонч ҳосил қиламиз.

2

ЙИЛЛАР САНОҒИГА СИҒМАГАН УМР

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Чингиз Айтматов ўзининг дастлабки мақолалари ва асарлари биланоқ адабий жамоатчиликнинг эътиборига тушгани сабаби – унинг жамият ва халқ ҳаётидаги муаммоларга, урчиб бораётган иллатларга бефарқ бўлмагани, ўша йиллар расмийларининг таъбири билан айтганда, “беадаблик билан шаккоклик қилгани” бўлди. “Жамила” қиссасини француз тилида чоп эттирган Луи Арагон ёш адиб маҳоратига фавқулодда юксак баҳо берди. Бундан англашиладиган хулоса шуки, ўша йиллари собиқ тузум адабиётида халқ дарди ифодаланган асарлар жуда кам бўлган.

Ёзувчининг миллий мавзудаги улкан ижодий ютуғини унинг болалиги қандай ўтгани, қандай воқеаларга гувоҳ бўлгани билан ҳам боғлаш мумкин. Буваси Айтмат ота биринчи бўлиб шаҳардан овулга тикув машинаси олиб келади. Дурустроқ тирикчилик ўтказиш мақсадида бир амаллаб сув тегирмони қуради, аммо унга ўт тушиб ёниб кетади. Шундан кейин у Маймоқ станцияси яқинидаги темир йўл қурилишида ишлай бошлайди. Шу ерда бўлажак ёзувчининг отаси Тўрақул рус-тузем мактабига ўқишга киради. Ёзувчининг онаси Нагима Ҳамзаевна замонасининг ўқимишли аёлларидан бўлган. У ёш Чингизни рус адабиёти ва маданияти руҳида, аммаси Ойимхон Сатан қизи эса қирғиз халқ қўшиқлари, эртак-ривоятлар таъсирида тарбиялайди.

Вақти келиб, Айтматов миллий адабиёт ривожини тоғ чўққилари қадар юксакликка кўтарди, ноёб истеъдоди, кенг қамровли фалсафий тафаккури, мушоҳада қуввати билан дунё эътиборини қозонди. У адабиётда узоқ йиллар ҳукм сурган мафкуравий бирёқламаликни, аввалдан белгилаб қўйиладиган схематик андозаларни бузишга, уларга итоат қилмасликка ўзида журъат топа олди. Дастлабки бадиий асарлари, публицистик мақолаларидаёқ жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий тамойилларида мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар, чекловлар, мантиқсизликларни қаламга олди. Муҳими, у собиқ тузумнинг қон-қонимизга сингиб кетган мафкуравий қадриятларидан воз кечиш пайти келганлигини бошқалардан кўра эртароқ пайқади. Адабиётшунос олим Қ.Бобулов ёзганидай, “Айтматов ўзидан олдинги касбдош оғаларнинг юмшоқ бешигида улғайган бўлса-да, ижодкор сифатида бундан буён бу бешикда бамайлихотир ётавериш мумкин эмаслигини пайқаган эди”.

Тадқиқотчи олим К.Асаналиев Айтматов публицистикасидаги бир хусусиятни шундай изоҳлайди: “Чингиз ўз сўзига, ижодига ёлғон аралаштирмаган, ҳақиқат қанчалик оғир бўлмасин, уни таг-тугигача айта олган ёзувчилар сирасига киради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, у аёвсиз чинчи (ҳақиқатчи), ростгўй ёзувчи”.

Чингиз Айтматов адабиётга собиқ тузум ҳали гуркираб турган, таназзул шарпаси эсмаётган, қизил мафкура тамойиллари ягона адолатли қадрият сифатида кўкларга кўтарилаётган (сиёсатда ҳам, адабиётда ҳам) бир пайтда кириб келди. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида бу жафокаш, ҳансираб, ҳолсизланиб бораётган дунёнинг турли минтақаларида, жумладан, ўз юрти Қирғизистонда ҳам ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий янгиланиш шабадалари эса бошлаганига гувоҳ бўлди. Ва, ниҳоят, унинг кўз ўнгида “зўр билан бўлган иморат” – шўролар салтанати қулади.

Адибнинг “Адабиётга раҳмим келади” сарлавҳали публицистик мақоласи ижодкор маҳорати, сўз масъулияти хусусида. У худди бугун ёзилгандай таассурот қолдиради. Бугунги манзара эса қуйидагича: китоб дўконлари, савдо расталарида “бадиий адабиёт” либосига устамонлик билан ўраб қўйилган шунчаки машқлар, олди-қочди сюжетли роман, қисса ва бошқа “ижод” намуналари тўлиб-тошиб ётибди. Адабий танқид бир йилда беш-ўнта “асар” ёзишга бел боғлаган ва бу ишни бозор талаблари асосида қойиллатиб амалга ошираётган шоввоз “ёзувчи”лар тўғрисида лом-мим деяётгани йўқ. Айтматовнинг фикрича, ижодкор ўзи яхши билмаган, англамаган, юракдан ҳис этмаган воқеалар, ҳолатлар, муаммолар тўғрисида қалам тебратса, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва оқибатларини аниқ-тиниқ тасаввур этмаса, ёзганлари ўқувчини ишонтирмайди, ўзига жалб этмайди ва, албатта, беэътибор қолиб кетади. Муаллиф ўз бошидан кечирган, ўзи гувоҳ бўлган, ўзини ўйлантирган ва безовта қилган мавзуларни қаламга олиши керак. Ёзувчилик виждони, инсонийлик бурчи жим туришга, бефарқ бўлишга йўл қўймаслиги лозим. Бу талабга, энг аввал, унинг ўзи амал қилди. Айтматовни ўқир эканмиз, бизнинг ҳам бефарқ кўзларимиз очилгандай, виждонимиз уйғонгандай бўлади. Масалан, табиатни, ноёб ўрмонларни асраш тўғрисидаги ташвишли мулоҳазаларидан кейин ўқувчи кўнглида ҳам: “Тўғри-да, ўрмонда дарахтлар ўзи униб, ўзи ўсиб ётибди, гўё эгаси йўқдай, хоҳлаган киши кесиб, пайҳонлаб кетаверади. Ҳар бир дарахтнинг тагига биттадан қоровул қўйишнинг иложи йўқ. Қоровул одамнинг виждонида бўлиши керак”, деган фикр уйғонади.

Айтматов публицистикасида адабий-бадиий ўйлар, фалсафий мушоҳада, воқеа-ҳодисаларнинг ижтимоий таҳлили бирламчилик қилади. Унинг уруш ва тинчлик мавзусидаги чиқишларини мутолаа қилганимизда адиб кўз ўнгимизда халқаро муносабатлардан яхши хабардор сиёсатдон сифатида гавдаланади. Ўтмиш тарих, буюк аждодларнинг маънавий мероси, бу бебаҳо хазинанинг бугунги ва келажак авлодлар тақдиридаги аҳамияти, она тили, таълим-тарбия хусусида қалам тебратганида ҳам бу соҳаларни етук мутахассис даражасида билишига амин бўламиз. Унинг қуйидаги фикри ғоят эътиборлидир: “Халқлар тарихи ва тақдирини, маданиятини, турмуш тарзи, урф-одатлари билан боғлиқ муаммоларни дўқ-пўписа, қурол кучи, чеклашу таъқиқлар билан ҳал этиб бўлмайди. Эзилган одамгина қул эмас, уни эзаётган, хўрлаётган эзувчининг ўзи ҳам қул. У ўз зўравонлигининг қулидир. Кимки ўзгалар эркини чекласа, у ўзининг эркини ҳам чеклайди. Бундай зўравонда ички эркинлик бўлмайди”.

Ч.Айтматов ижодида инсоният тарихидаги қуролли қирғинларнинг халқ бошига солган чексиз жафолари, бутунлай қирилиб кетган кўпдан-кўп элатларнинг аянчли тақдири тафсилотлари ҳам ўз аксини топган. Муҳими, адиб бу мавзуда қалам тебратган бошқа ҳамкасблари сингари, урушнинг моддий йўқотишлари – қанча одам ўлгани, қанчаси ярадор бўлгани ёки бедарак йўқолгани, қанча шаҳар ва қишлоқларнинг кули кўкка совурилгани, қанча бино, қишлоқ ва шаҳарлар вайрон этилгани, кўприклар, темир йўллар, муҳим иншоотлар бузиб ташланганини тасвирлашдан кўра, бу қатлиомнинг инсон маънавий оламига, инсонийлигига таъсири ҳақида мулоҳаза юритишни маъқул кўради. Адибнинг “Юзма-юз”, “Оқ кема”, “Сомон йўли” повестларида айни шу ҳолатни кузатиш мумкин. Ёзувчининг болалик хотираларида уруш йиллари Шакер овулида почтальонлик қилгани ва солиқ йиғувчи – “финагент” бўлиб ишлагани жуда таъсирчан ифодаланган: “Овулдан бирор оилага қорахат келса, оқсоқоллар олдига бориб, уларга тушунтирар эдик, – деб ёзади адиб. – Улар аввал ҳалок бўлган кишининг қариндошларини чақириб, бўлган воқеадан хабардор қилиб, ўзаро маслаҳатлашгач, сўнг мени эргаштириб, марҳумнинг уйига боришарди. Мен оила аъзоларига қорахатни ўқиб берардим... Овулимиздагилар мени яхши танишарди. Улар менга ёмонликни раво кўришмасди, кимгадир қорахатни топширмоқ, ўлимнинг совуқ хабарини етказмоқ зиммамга юкланган вазифа эканини тушунишарди. Аммо гоҳида ўз ишим билан кўчаларидан ўтиб бораётган бўлсам, аёллар мени кўриб уввос солишарди: “Яқинлашма бизникига, йўқол қоранг учгур. Қани, даф бўл-чи...”.

Айтматов ўқувчини талабчан мураббий каби тарбиялаб, онг-шуурини янги фикр ва хулосалар, қиёсу далиллар, факт-рақамлар билан бойитиб боради, дунёқарашнинг бир даражада, бир ҳолатда узоқ вақт сокин қолиб кетиши тараққиётнинг илдизларига болта уришини урғулайди. “Тарихнинг нотантилиги шундаки, – дейди адиб уруш мавзусидаги суҳбатларидан бирида, – инсоният тарихида бўлиб ўтган не-не қирғинбарот урушларнинг миллион-миллион қурбонлари, қатлиомларнинг бегуноҳ жабрдийдалари унут бўлиб кетади. Унут бўлиб кетди ҳам. Ҳар қандай уруш, энг аввало, тинч аҳоли бошига беҳисоб кулфатлар, азоб-уқубатлар олиб келади. Уруш келиб чиқишига мутлақо алоқаси бўлмаган бегуноҳ кишиларнинг, норасидаларнинг ёстиғи қуриди. Афсуски, бу қурбонлар халқ хотирасида умумий бир тарзда қоладилар, холос. Гитлер, Наполеон, Македонский ва шунга ўхшаш каттаю кичик фотиҳлар эса тарихда қолади. Нега шундай? Нима учун биз ўша қурбонларнинг ҳар биттаси ҳақида қайғурмаймиз? Улар ичида Ватан, миллат тақдирини ҳал қилишга қодир буюк истеъдодлар, улуғ саркардалар ҳам бўлиши эҳтимоли тўғрисида ўйлаб кўрмаймиз? Бунинг мутлақо иложи йўқ. Урушнинг энг катта даҳшати ҳам шунда”.

Уруш ва унинг битмас жароҳатлари тўғрисида кўплаб асарлар ёзилган, сон-саноқсиз фильмлар суратга олинган. Аммо Чингиз Айтматовнинг юқоридаги фикрлари инсоният тарихидаги жамики қирғинбарот урушларни лаънатловчи ҳукм, десак, муболаға бўлмайди. Публицист жамиятда, дунёда кечаётган турфа хил жараёнларга биринчилардан бўлиб муносабат билдиради. Теран мушоҳадаси, бой ҳаётий тажрибаси ва, ўзининг таъбири билан айтганда, “ички бир сезим билан” воқеа-ҳодисаларнинг мағзини чақади.

Айтматов қаламига мансуб очерк ва мақолалар аксарият ҳолларда муаллифнинг ўзига хос “кириш сўзи”, газетхонга, воқелик кечаётган заминга ёхуд очерк қаҳрамонига қаратилган лирик мурожаати, поэтик хитоби билан бошланади: “Зарафшон, Зарафшон, қадимий дарё, бошингдан не-не воқеаларни ўтказмадинг...”, “О, Анорхой, о бепоён дашт! Нега сукут сақлайсан, нималар ҳақида хаёл сурасан? Асрлар давомида нималарни сир сақлаб келаяпсан, олдинда сени нималар кутмоқда?”, “Ғаллакор қадрдоним! Сен ҳозир даладасан, сен ҳозир йўлда рулни моҳирлик билан бошқариб бормоқдасан, сен ҳозир гуриллаб ишлаётган дон омборидасан, кечалари уйқу нималигини билмайсан, мамлакатимизнинг тарихи ва тақдири шу кунларда сенинг қадоқ кафтларинга боғлиқ. Сен ҳозир ғалла етиштирмоқдасан. Бу иш инсон зотининг мангу ва ўлмас ишидир. Бордию тенгги йўқ оқин бўлганимда ҳам бу меҳнатни қалбан англаганимдек, юракдан ҳис этганим даражасида куйлай олардим, деб айта олмайман...”, “Телегей Алмамбетовна, сиз ҳақингизда мендан аввал ҳам ёзишган. Аслини олганда, сизнинг тарихингизни ҳаётнинг ўзи аллақачон ёзиб қўйган, биз бўлсак, жуда бўлганда уни қоғозда такрорламоқдамиз, холос”, “Салом, ривоят ва афсоналар ўлкаси – хаёлан мурожаат этдим монгол ерига...”, “Ў, Иссиққўл, қирғиз диёрининг сўнмас қўшиғи”, “Ў, Иссиққўл, мангу қайноқ кўл”, “Эҳ, Дўлан, Дўлан, Тянь-Шаннинг баҳайбат бели” (“Сарвқомат дилбарим”дан). Баъзи қиссаларда асар қаҳрамонлари от, бўри ва бошқа ҳайвонлар билан диллашади. “Сўзларимни тингла, эй она бўри! Сен шу ерларда яшайсан. Ўзингга қандай яхши бўлса, шундай яша, табиат қандай буюрган бўлса, тирикликни шундай адо эт” (“Кунда”).

Адибнинг “Қиёмат” асари бадиий публицистика элементларига бойлиги билан ҳам эътиборни тортади: “Ҳаёт чархи абадий айланиб туради, ҳамма нарса келади ва ҳамма нарса кетади, яна эврилиб келади ва эврилиб кетади, одам шуларнинг дардини беихтиёр ҳис қилади ва ўзини англатмоқчи, ифодаламоқчи, ўзидан нишон қолдирмоқчи бўлади...”, “Ҳаёт, ўлим, муҳаббат, шафқат ва илҳом – ҳаммасини мусиқа айтади, зотан, биз мусиқада энг олий ҳурликка эришамиз, бу ҳурлик учун эса онгимиз ёришган замонлардан бошлаб, бутун тарихимиз давомида курашганмиз, лекин унга фақат мусиқадагина етишганмиз. Фақат мусиқагина барча замонларнинг ақидаларини енгиб ўтиб, доимо келажак сари интилади. Шунинг учун биз айта олмаган нарсаларни у айтади, шунга чорланган».

Бу иқтибослардан кўринадики, адиб ижодида бадиий публицистика унинг қисса ва романлари билан уйғунлашиб кетган, кўп ўринларда бири иккинчисига, муаллиф ибораси билан айтганда, “ҳомила” бўлади, бири иккинчисини тўлдиради, давом эттиради. Шу боисдан ҳам адибнинг публицистик мақолалари дунёнинг барча қитъаларида севиб мутолаа қилинади. Асарлари ўқилаётган адибнинг умри эса боқийдир.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

МЎЪТАБАР ЗОТ

Аёл кишига аввало Она деб қарасак, ҳаммаси жой-жойига тушади.

ТОШ ВА ҚУМ

Тошни майдалаб, қумга айлантириш учун бир дақиқа кифоя. Аммо қумнинг тошга айланиши учун минг йил камлик қилади. Дўстлик ҳам шунга ўхшайди.

БОШ АЙБДОР

Турмуш синовларига биз катталар дош беролмасак, болада нима гуноҳ? Нега бизнинг айбимиз учун гўдаклар етим қолиб, азият чекиши керак?

ДОНИШМАНД

Нар лочин емиш топиб келаркан. Мода лочин ўлжани полапонларига бўлашиб бераркан. Бирон фалокат бўлиб, мода лочин ўлиб қолса, нар лочин ҳар қанча емиш топиб келтирмасин, барибир, полапонлар очидан нобуд бўлар экан. Негаки, нар лочин ўлжани болаларига бурдалаб беришни эплолмас экан… Табиат нақадар бешафқат, табиат нақадар доно!

ТЎЛА ВА ЧАЛА

Ярим ҳақиқат чин билан ёлғоннинг ўртасида туради, деган одам янглишади. Ярим ҳақиқат ҳамиша чиндан кўра ёлғонга яқинроқ туради.

МУНОФИҚ

Онасини беҳурмат қилган одам қўшни кампирни яхши кўраман деса, ишонмайман. Ўз халқининг тилини, маданиятини, тарихини ҳурмат қилмаган одам бошқа халқларнинг тилини, маданиятини, тарихини ҳурмат қиламан, деса ишонмайман.

ОНА ТИЛИ

Қанча кўп тилни билсангиз, шунча яхши. Бироқ одам она тилида тафаккур қилади, она тилида туш кўради, она тилида йиғлайди... ўлим олдида онасини она тилида йўқлайди...

ОЗЧИЛИК ВА КЎПЧИЛИК

“Озчилик кўпчиликка бўсунади!” Ёқимли шиор! Оммабоп шиор! Фақат… худо ҳаққи, бир нарсани ҳеч тушунолмайман: дунёда донолардан кўра нодонлар, истеъдодлилардан кўра иқтидорсизлар ҳамиша кўпроқ бўлган. Демак… Узр… уёғига ақлим етмай қолди…

НИСБИЙЛИК

Олам шу қадар кенгки, хаёлан ҳам қамраб ололмайсан. Олам шу қадар торки, олган нафасинг акс-садо беради…

ТЎРТ ТОИФА

Бошингда қуёш чарақлаб турганида изингдан қолмайдиган дўст –шунчаки дўст. Бошингда қуёш чарақлаб турганида изингдан қолмайдиган, бошингга булут келганида ғойиб бўладиган дўст – дўст эмас. Бошингда қуёш чарақлаб турганида изингдан қолмайдиган, бошингга булут келганида хиёнат қиладиган “дўст” – душман. Бошингда қуёш чарақлаб турганида изингдан қувмайдиган, бошингга булут келганида изингдан қолмайдиган дўст – ҳақиқий дўст.

ОЛИЙ ЖАЗО

Африка қабилаларидан бирида жиноят қилган одамни сазойи қилиш, қамаб қўйиш, қатл этиш деган гаплар йўқ экан. Танҳо ўзини қабиладан ҳайдаб юборишаркан, холос…

ТУШ

Бошимга ташвиш тушса, бир нарсадан қаттиқ сиқилсам, онам тушимга киради. Қувончли дамларда эса, хоҳласам ҳам на онамни, на отамни тушимда кўроламан... Қизиқ...

КУЧ ВА АДОЛАТ

Адолат Кучга бўйсунган юрт — вайрон юрт. Куч адолатга бўйсунган юрт-бўстон юрт.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК

Ўз фурсатида қилинмаган яхшилик – ёмонликка йўл очиши мумкин.

КЕТМАС БОЙЛИК

Менда бир сўм бор. Сизда ҳам бир сўм бор... Мен сизга ўзимнинг пулимни бердим. Сиз ҳам менга ўзингизнинг пулингизни бердингиз… Ҳеч нима ўзгармади. Сизда ҳам бир сўм пул қолди, менда ҳам... ... Менда янги бир фикр бор. Сизда ҳам янги фикр бор... Мен сизга янги фикримни айтдим. Сиз ҳам менга янги фикрингизни айтдингиз… Сизда ҳам иккита фикр пайдо бўлди, менда ҳам… эсли одам пул алмашмайди. Фикр алмашади.

БУРЧ

Ҳатто булбул ҳам бола очганидан кейин сайрашни бас қилиб, полапонларига емиш ташийди.

ҚОИДА

Балиқ бошидан сасийди. Аммо уни думидан тозалайдилар.

МЕВАЛИ ДАРАХТ

Мевали дарахт ўзига ишонгани учун ёнида янги ниҳол ўсиб чиқса, қувонади. Тўнка ўзига ишонмагани учун ниҳолга ғашлик қилади. Бироқ у хоҳлайдими-йўқми, ниҳол ўсаверади!

ИЛК МУҲАББАТ

Илк муҳаббат баҳор осмонидаги булутга ўхшайди. Оппоқ. Покиза. Шаффоф... На қўлингиз билан тутасиз. На ортидан югуриб етасиз... Шамол уни қаёққа олиб кетишини ҳам билмайсиз... Биринчи муҳаббат кўпинча натижасиз тугаши балки шундандир...

СИНОВ

Бир нарсани кўп кузатдим. Она овқатга ўтирган замон чақалоқ йиғлайверади. Кексалар, бунақа пайтда болани шайтон чимчилайди, дейдилар. Билмадим... Худонинг ўзи кечирсин-ку, менимча гап шайтонда эмас. Бу – тангрининг она меҳрини синаш усулларидан бири бўлса, ажабмас...

Ўткир ҲОШИМОВ

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИДАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорига биноан, улуғ мутафаккир ижодий меросини нафақат юртимизда, хорижий мамлакатларда ҳам кенг тарғиб қилиш, асарларини изчил нашр этиб бориш кўзда тутилган. Сўнгги йилларда Қозоғистонда бу борада муҳим ишлар амалга оширилди. Таниқли қозоқ шоири Несипбек Аитули “Хамса”нинг “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” достонларини, Торали Қидир эса “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини қозоқ тилига ўгирди.

Куни кеча Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида мазкур китобларнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдуҳалимов очиб, Алишер Навоийнинг ўлмас асарлари икки қардош халқ ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда олтин кўприк бўлиб хизмат қилишини таъкидлади. Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси маслаҳатчиси Руслан Дуйсенов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Қозоқ Миллий маданий маркази раҳбари Серикбой Усенов ва бошқалар икки мамлакат раҳбарларининг саъй-ҳаракати туфайли барча соҳаларда дўстона алоқалар ривожланаётгани, хусусан, сўнгги олти йилда Қозоғистонда ўттиздан зиёд ўзбек адибларининг асарлари таржима қилиниб, чоп этилгани ва ҳар бир қозоқ мактабига уч нусхадан тарқатилгани, яқин кунларда эса мамлакат пойтахти Нурсултон шаҳрида Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилишини мамнуният билан қайд этдилар.

– Алишер Навоийнинг қозоқ тилига таржима қилинган “Муҳокамат ул-луғатайн” асари нафақат ўзбек ва қозоқ халқлари, балки барча туркий халқлар учун бирдай қадрлидир, – деди Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Турсинали Аҳмедов. – Торали Қидир томонидан бу асарнинг қозоқ тилига ўгирилишида энг нодир нусха саналувчи “Сулаймония” фондидаги қўлёзмалардан фойдаланилган.

Институт фойесида Алишер Навоийнинг ўзбек ва қозоқ тилларида нашр қилинган асарлари, қозоқ ижодкорларининг Ўзбекистонда чоп этилган китоблари, шунингдек, ўзбек ва қозоқ адабий-илмий алоқаларига доир адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинди. Қозоқ миллий маданият маркази вакилларининг чиқишлари даврага ўзгача файз бахш этди.

***

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли публицист Исмат Хушевнинг “Оқланмаган ишонч қиссаси” номли китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Кенг жамоатчилик, ижодкорлар, ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид очиб, бугунги кунда адабиёт соҳаси ва қалам аҳлига кўрсатилаётган юксак эътибор ҳамда ғамхўрлик ҳақида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Абдусаид Кўчимов, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, таниқли журналист Карим Баҳриев мазкур китоб ва унинг муаллифи ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Биографик саргузашт усулида ёзилган ушбу китобда зиддиятли воқеа-ҳодисалар ҳамда айрим таниқли сиймолар тақдири содда, равон тасвирланган. Бу ҳужжатли-бадиий қиссанинг бош қаҳрамони муаллифнинг ўзи. Унда адиб ҳаёти ва ижодий фаолиятида кўрган-кечирганларини бадиий бўёқларда ифода этади.

Исмат Хушев қаламига мансуб ушбу китоб Анвар Икром муҳаррирлигида, “Vodiy Media” нашриётида чоп этилган.

***

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган “Аёлга эҳтиром” Республика ижодий танлови ғолиблари аниқланди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Бахтиёр Генжамурод “Юракнинг ўртли осмони” тўпламидаги онага, аёлга бағишланган шеърлар туркуми учун биринчи ўринга муносиб кўрилди. Таниқли шоира Момохол Элмуродова ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Нуриддин Аминжон матбуот нашрларида чоп этилган туркум шеърлари учун иккинчи ўрин билан тақдирланди. Шоир Шоди Отамурод “Умр ўтиб борадир, гулим” шеърий тўпламидаги, шоира Зилола Хўжаниёзова матбуот нашрларида чоп этилган, шоира Фарида Ҳусаинова эса “Уйғоқ қалблар овози” китобидаги танлов мавзусига доир шеърлари учун учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Шоира Гулнора Нурлипесовага “Сен менинг ягонамсан” шеърий тўпламидаги, шоир Яҳёхон Фаёзга “Бахтимизнинг зар туморлари” шеърлар тўпламидаги, шоира, адабиётшунос Гулруҳ Худоёрова ҳамда ёш ижодкор Азизбек Хўжамбердиевга матбуотда чоп этилган онага, аёлга бағишланган шеърлари учун рағбатлантирувчи мукофотлар берилди.

Шуҳрат АЗИЗОВ

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси

ИЖОД ВА ЖАСОРАТ

Бир донишманд, агар азамат чинорни бўй-басти билан кўраман десанг, сал наридан туриб қара, агар ёнидан қарасанг, унинг фақат бир бўлагини кўрасан, узоқдан қарасанг, бутун салобати билан кўрасан, деган экан. Бу жуда доно гап. Рассом ҳам яратаётган асарини неча марталаб, орқага бир-икки қадам чекиниб кузатади.

Мен ҳам Ўткирни сал наридан туриб кўрмоқчи бўлдим... Ана шундан кейин мўъжизага ўхшаган бир ҳолатни сездим. Мен унчалик писанд қилмаган, баъзан назаримга илмаган ёзувчи бола кўз олдимда юксалиб, чинакам санъаткорга айланди. Энди мен уни бор бўйи билан, жами фазилатлари билан, ўзбек адабиёти ривожига, мустақил республикамизнинг камолига қўшаётган муносиб ҳиссаси билан аниқ кўра бошладим.

Ўткир қандай китоблар ёзгани тўғрисида гапириб ўтириш ортиқча. Улар ўзбек ва қардош халқлар мулкига айланиб кетган. Шундоқ бўлса ҳам, бу истеъдодли адибнинг асарларини тилга олмаслик инсофдан бўлмас. “Баҳор қайтмайди”, “Қалбинга қулоқ сол”, “Нур борки, соя бор”, “Дунёнинг ишлари”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар”, “Икки карра икки – беш” каби қисса ва романлари, юздан ортиқ дилбар ҳикоялари, комедия ва фожеалари халқ орасида жуда машҳур бўлиб кетган.

Тоталитар тузумнинг оқаваси бижғиб, оқиб турган бир пайтда “Ўзбек иши”, “Давлат сири”, “Дўстлик ҳурматдан бошланади” каби ўнлаб мақолаларини ёзиш учун катта жасорат керак эди. Ўткир ҳар қандай зарбадан, ҳужумлардан қўрқмай, баъзан ҳатто ҳаётини хавф остида қолдириб, халқ дилида тугён уриб турган гапларни очиқ-ошкора айта олди.

* * *

“Шарқ юлдузи” жумҳуриятимизда нашр қилинадиган адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журналлар ичида энг машҳур – оммавий журналдир. Ўткир шу журналнинг бош муҳаррири сифатида актив фаолият кўрсатади.

Улуғ бобомиз Амир Темур шахсига тошлар отилаётган бир пайтда Ўткир у ҳақда қатор мақолалар эълон қила бошлади. Ҳужумлардан, дўқ-пўписалардан чўчимаган бош муҳаррир, буюк саркарда фаолиятини изчил ёритишда давом этди. Бир вақтлар бадном қилинган “Темур тузуклари”, “Зафарнома” “Кеча ва кундуз” каби асарлар шу журналда эълон қилинди. Унда Қуръони каримнинг ўзбекча таржимаси осонликча босилгани йўқ. Бу савобли ишга шахсан Юртбошимизнинг ўзи раҳнамолик қилгани ва журнал таҳририяти саъй-ҳаракати билан Аллоҳнинг каломи икки йилдан ортиқ вақт ичида нашр этилгани жиддий воқеа бўлди.

* * *

Агар сиз унинг китобларини диққат билан ўқисангиз, ижоди халқ ҳаёти билан нақадар ҳамоҳанг эканига, саҳифалар қатидан нечалаб инсонлар тақдири бош кўтариб чиқаётганига гувоҳ бўласиз. Унинг ёзганлари афсона ҳам, эртак ҳам эмас. Соф ҳақиқат. Китобхон унда ё отаси, ё акаси ва ёки яқин бир кишиси билан учрашади. Уларнинг кураш ва меҳнатда ўтган тарихларига рўбарў келади. Оламдан ном-нишонасиз ўтиб кетган, аммо шон-шараф билан яшаган кишилар кўз олдимизда пайдо бўлади. Уларнинг қувончларидан кўксимиз қалқиб-қалқиб кетади, ғаму андуҳларидан кўксимиздан ёш тўкилади.

* * *

“Икки эшик ораси” романи ўзбек адабиёти хазинасида ўз ўрнини топган асарлардан бири бўлиб қолди. Бу асар халқлар бошига кулфат солган Иккинчи жаҳон уруши тўғрисида ёзилган аччиқ ва аламли йилномадир.

Ўткир Ҳошимов халқимизнинг фидойи, ростгўй ёзувчиси сифатида ҳамиша ўз мавзуи бўлиб келган халқ ҳаётини узлуксиз кузатади ва унда айтиш ниҳоятда зарур бўлган нуқталарини қаламга олади.

* * *

Истиқлол йилларида ёзилган “Тушда кечган умрлар” романи эса етмиш йил давом этган адолатсизликлар, топталган қисматларни рўй-рост, бадиий теран акс эттирган асардир. Пишиб етилган анорни кафтингизга қўйиб, яхшилаб тикилганмисиз? Доналари пўстини туртиб туради. Сал вақт ўтса, шу қалин пўстлар ички турткиларга дош беролмай, ёрилади. Ўткирнинг ихчамгина “Тушда кечган умрлар” романида ҳам воқеалар шунчалик зички, муқовасини ёриб юбораман, деб турганга ўхшайди. Романнинг анчагина бобларида афғон уруши тасвирланади. Адиб бу адолатсиз урушнинг бутун фожиасини, ғайриинсонийлигини рўй-рост тасвирлайди.

* * *

Ўткир – сўз санъаткори. Юқорида тилга олганимиз романларида халқ тили шунчалар равон, шунчалар ифодалики, ҳар бир сатри шеърдай равон оқади.

Ўткирнинг атиги учта асарини тилга олдим, холос. Телдевидение орқали неча марталаб намойиш қилинган, миллионлаб томошабинларга манзур бўлган “Баҳор қайтмайди”, “Нур борки, соя бор”, “Инсон садоқати” каби асарлари, ўнлаб дилбар ҳикояларини томошабин ва китобхонлар ҳукмига ҳавола қилдим. Айниқса, “Дунёнинг ишлари” асарини қисса эмас, достон деб аташни истардим. У қўшиқдай ўқилади. Уни ўқиб туриб, ўз оналаримизни ўйлаб кетамиз. Шу мушфиқ, шу жафокаш оналаримиз олдидаги бир умр узиб бўлмас қарзларимизнинг ақалли биттасини уза олдикми, деган бир андиша, бир савол кўз олдимизда кўндаланг туриб олади. Қисса бизни инсофга, инсонни қадрлашга, ҳурмат қилишга чақиради.

Ўткир фақат талантли ёзувчигина эмас, ажойиб дилбар инсон ҳамдир. Мен у билан жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятлари, туманларини неча марталаб айланиб чиққанман. Қаерга бормайлик, уни одамлар ўраб олади, китобларидан олган таассуротларини тўлиб-тошиб гапириб берадилар ва, албатта, у билан дўст-қадрдон бўлиб қоладилар. Унинг суҳбатига орзуманд бўлганлар доираси борган сари кенгайиб бораверади. Эсдалик учун суратга тушиш ниятида фоточчини чақириб келадилар. Айниқса, ёш китобхонларнинг шундоқ машҳур ёзувчи билан суҳбатлашганларидан кўзлари яшнаб кетади.

* * *

Мен Ўткир Ҳошимовни жасоратли, қўрқмас, ҳақиқатни ҳар қандай шароитда ҳам айта оладиган ёзувчи деб атадим. Бу таъбиримни иккиланмай ҳар ерда дадил айта оламан.

Бор бўйини кўрмоқ учун сал орқага чекиниб туриб Ўткирга қарадим. Шунда неча йиллар бирга ижод қилган, бирга сафарларда юрган қадрдонимни бўй-басти билан, ўзини ардоқлаган халқига қилган хизматлари билан аниқ кўрдим. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ. Шу пайтгача менга оддий ёзувчи бўлиб кўринган бу ижодкор тўғрисида шунча гап биларканман, билганларим шунчалар кўп эканки, сизга фақат бир шингилинигина гапириб бердим, холос.

1995 йил

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ОДАМГАРЧИЛИК

ҲИКОЯ

Тўнғич куёв бўлганимиз учунми, қишлоққа борсак, дарров шаҳарлик куёв келди, деб овоза бўлиб кетади. Олмоқнинг бермоғи бор деганларидек, тез-тез жавоб визитлари ҳам бўлиб туради. Яқинда яна шундай бўлди. Ишдан қайтиб эшикни очишим билан янгангиз Турсуной югуриб рўпарамга келди.

– Тш... – деди у кўрсаткич бармоғини лабига босиб. – Секинроқ. Номоз ўқияптилар.

– Ким? – дедим мен ҳам беихтиёр пичирлаб.

– Боғбон амаки.

– Ким у, боғбон амаки?

Турсуной шунча йилдан буён боғбон амакини танимайсизми, дегандек қошини чимирди.

– Қишлоқда у кишини ҳамма танийди. Худо ярлақаб бир келиб қолибдилар.

Секин ечиниб оёқ учида уйга кирдим. Боғбон амаки телевизорнинг антеннасини мўлжаллаб айни саждага бош қўйган эканлар. Анчадан кейин бош кўтариб, ўнг томонга, чап томонга салом бердилар-да, қаддиларини ростлаб менга ўгирилдилар.

– Ассалому алайкум, куёв бола! Хўп, саломатгина бормисиз? – боғбон амаки билан биринчи марта кўришиб турган бўлсак ҳам эски қадрдонлардек дилкашлик билан қучоқлашдик. Одамни бир кўришда билса бўлади. Боғбон амаки кўп одамохун киши экан. Дастурхон атрофига ўтиришимиз билан мош-гуруч соқолини тутамлаб гапга киришиб кетди.

– Бу дейман, куёв йигит, ишлар кўпайиб кетдими? Қишлоққа кам борадиган бўлиб қолдингиз. Қайнатангиз кўп асл одам-да! Болаликдан тепкилашиб катта бўлганмиз. Шу денг, шаҳарга кетяпман, деб қолмайманми! Бизнинг фарзандларникида ўн-ўн беш кун туриб келмасангиз, қаттиқ хафа бўламан, деб туриб олди. Мен ҳам юзидан ўтолмадим.

– Жуда яхши қилибсиз, раҳмат, – дедим қувониб.

Боғбон амаки, у дунёни ҳам, бу дунёни ҳам баравар олиб борадиганлардан экан. Ош олдидан қиттак-қиттак ҳалиги нарсадан қилсакмикан дегандим, ноз қилиб ўтирмади.

– Ҳа, энди бунинг ўзи ҳароммас. Кайфи ҳаром, – деди пиёлани қўлига олиб. Шундан кейин икковимизнинг ҳам қулфи дилимиз очилиб кетди. Боғбон амаки оғзидан бол томиб янгангизни мақтай кетди.

– Турсуной қишлоқнинг энг олди қизи эди-да, ўзиям. Бахтингиз бор экан. Шундоқ қизимизга уйландингиз. Қайнатангизни айтмайсизми? Шаҳарга узум сотгани кетяпман десам, гастиница-пастиница қилиб уриниб юрсангиз, бетингизга қарамайман, дейди-да! Бу йил бозорда узум сероб. Шу кунда сотиб қолмасак, эрта-индин янаям арзонлашиб кетади. Ўн-ўн беш кун бир ғайрат қиламизда, энди. Ёлғиз қўллик қилмайлик деб, жиянниям олиб келганмиз. Бозорда узумга қоровул бўлиб қолди. Уям сиз билан бир отамлашмоқчи ўзи. Ўқишга кираман, сўт бўламан деди. Топган ҳунарини қаранг.

– Нега олиб келмадингиз?—дедим астойдил ранжиб.

– Айтяпман-ку, бозорда қоровуллик қилиб қолди. Эртага, албатта, олиб келаман. Хўп улфати йигит-да, ўзиям!

Ярим кечагача гурунглашиб ўтирдик. Кейин Турсуной боғбон амаки иккаламизга уйга жой солиб берди. Ўзи балконга чиқиб ётди. Бир хоналик секцияда тургандан кейин одам ўрганиб кетаркан. Аёл меҳмон келиб қолса мен, эркак меҳмон келса Турсуной балконга чиқиб кетади.

Боғбон амаки сўзида турадиган одам экан. Эртасига ишдан келсам чуст дўппи кийган, ихчамгина йигит билан гурунглашиб ўтирибди.

– Ие, ассалому алайкум! – йигитча сакраб туриб мен билан қучоқлашиб кўришди. – Соғ-саломат юрибсизми, поччажон? Тоғамлар билан бир келиб қолгандик. – У боғбон амакига ишора қилди. – Поччанг билан бир отамлашмасанг бўлмайди, деб туриб олдилар. Турсуной опамизнинг ўртоқлари билан танишаману қувонмайманми, деб югуриб келдим. Менинг бозор-ўчарга тобим йўқ. Асли бу ерга ўқишга кириш учун келганман. Бир ёрдамлашиб юридическийга жойлаб қўймасангиз бўлмайди, поччажон. Ҳозир таниш-билишсиз иш битмайди.

– Биласизми, ўқишга кириш қийин, – дедим минғиллаб. – Менинг танишларим йўқ.

Гапимни тугатмасимданоқ ошхона томондан Турсунойнинг йўталгани эшитилди. Бунақа адресли йўталларнинг маъносини яхши билиб қолганман. Мени чақиряпти. Дарров олдига чиқдим.

– Гўрга унақа дейсизми? – деди у пичирлаб. – Ўзини олиб қочяпти, деб ўйламайдими?

– Нима қилай, ростини айтяпман-да!

– Қишлоқдагилар сизни бутун шаҳарни ётқизиб турғизадиган одам деб ўйлашади. Бир гап қилармиз, деб кўя қолинг. Ҳа, ундан кейин, – Турсуной овозини янаям пасайтирди. – Анаву сапожки ўлгурни олмасам бўларкан. Уйда бир тийин пул қолмабди. Меҳмонлар яна ўн-ўн беш кун турадиганга ўхшайди. Ойликкача бирор ердан пул топмасангиз бўлмайди.

Бу кеча ҳам меҳмонлар билан алла-паллагача гаплашиб ўтирдик. Тоға-жиянни холи қолдириш учун алоҳида жой қилиб бердик. Янгангиз одатдагидек балконда, мен бўлсам ошхонада ётдим. Ошхонага ўрнашиб қолган пиёздоғ ҳиди кўнглимни бир оз беҳузур қилганини ҳисобга олмаганда жуда яхши ухладим.

Эрталаб қўнғироқ товушидан уйғониб кетдим. Шоша-пиша йўлакка чиқсам, Турсуной чаққонлик қилиб, аллақачон эшик олдига бориб олибди. У эшикни очди-ю, атлас кўйлак кийган, сочини майдалаб ўрган аёлни кўриб, қичқириб юборди.

– Вой, Адол, ўзингмисан?!

Икковлари бир-бирининг қучоғига отилишди. Ўз садоқатларини кўз-кўз қилмоқчи бўлгандек бор овози билан чўпиллатиб ўпишишди.

– Бу менинг дугонам Адолат, – деди Турсуной энтикиб. – Болаликдан бирга ўсганмиз.

Адолат ичкарига кирар-кирмас ийманиб пичирлади.

– Мен ёлғиз эмасман, – у юзлари ловиллаб қизарганича, Турсунойнинг қулоғига бир нима деб шивирлади.

– Вой, шунақами! – Турсуной қувонганидан қарсак чалиб юборди. – Чақир бўлмаса. – У менга қараб тушунтирди. – Адолатнинг тўйи яқиндагина бўлган. Куёв икковлари Тошкентга ўйнагани келишган экан.

Зум ўтмай каттакон чамадон кўтарган новча, ориқ йигит кириб келди. Тоға-жиянлар, келин-куёвлар, ўзимиз тўпланишиб нонушта қилдик. Ҳамқишлоқлар соғинишиб қолишган экан, хўп гурунглашишди:

– Гостиницага борсак жой йўқ, – деди Адолат келинларга хос табассум билан. – Шу ёққа қараб келавердик. Ўн-ўн беш кун туриб Турсунойни хурсанд қилиб келинглар, деб аямларнинг ўзлариям айтгандилар.

Боядан буён жим турган куёв энди гапга аралашди.

– Тўйга бормадинглар-да! – деди у гавдасига ярашмаган ингичка товушда. Гапирганида учли бағбақаси ликиллаб тураркан. Энди пайқадим. «Бизни тўйга айтмовдинглар, шекилли», дегим келди-ю, тағин ўйлаб қолдим. Ким билсин, балки Турсунойга хат-пат юборишгандиру мен бехабар қолгандирман.

– Мен Тошкентга уч йил олдин бир келгандим. Жуда ўзгариб кетибди, – деди куёв яна бағбақасини ликиллатиб.

– Бу кишининг ўзлари сизларга шаҳарни томоша қилдирадилар, – янгангиз менга имо қилди. – Шунақа пайтда ўйнаб қолмасанглар, кейин вақт топилмайди.

Нонуштадан кейин Турсунойни йўлакка чақириб маслаҳатлашдик.

– Энди бундоқ қиламиз, мен ўзаро ёрдам кассасидан эллик-олтмиш сўм пул сўрайман. Жой масаласини бундоқ тақсимлаймиз. Келин-куёвга уйга жой қилиб берасан, ёш нарсалар экан. Бир-биридан ажратиш яхшимас. Боғбон амаки балконда, жияни ошхонада ёта қолсин. Ўзинг бир амаллаб йўлакка жойлашарсан. Мен кечқурун, меҳмонлар билан ўтиришиб бўлгандан кейин ишхонамга бориб ёта қоламан. Ишимиз икки сменалик деб баҳона қиламан.

– Майли, – деди Турсуной пичирлаб. – Фақат тезроқ пул топмасангиз бўлмайди. Аксига олиб кўк чой ҳам қолмабди.

Пулни олгандан кейин қайси бозорга борсам экан, деган ўй билан зинадан тушиб кетаётгандим, бир оз хириллаган овоз эшитилди.

– Ие, ассалому алайкум, куёвтўра!

Чўчиб бошимни кўтардим. Рўпарамда юзлари офтобда қорайган, чайир гавдали, қўш белбоғ боғлаган киши турарди. Пастдан эса беш-олти ёшлардаги боласини етаклаган семиз хотин ҳарсиллаб чиқиб келарди.

Нотаниш киши кўришиш учун қучоқ очганди, қўлимни чўзиб қўя қолдим.

– Ие, танимадилар шекилли, куёв йигит, – деди у ранжиб.– Қишлоққа борганларида ҳамсуҳбат бўлгандик, карта ўйнагандик.

– Танидим, танидим, – дедим минғиллаб. – Қани, кела қолинглар.

Шундай дедиму гапим шу қадар носамимий, шу қадар сунъий чиқдики, ўзимнинг ҳам ғашим келди. Рўпарамдаги киши зардаси қайнаб хотинига ўгирилди.

– Мен сенга нима дегандим, хумгазак! Шаҳарликлар одаммас, одамгарчиликни билмайди, демаганмидим! Мана сенга оқибат. Э, ўша Турсунойниям...

Эр-хотин болани чирқиллатиб йиғлатганча, диконглатиб зинадан тушиб кетишди. Мен бўлсам панжарага суяниб, чуқур хўрсиниб қўйдим.

Ўткир Ҳошимов, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов ёш ижодкорлар даврасида (1980 йиллар ўртаси).

ҚАЛБ ВА ҚИЁФА

Илмий таснифга кўра адабиётшунослик уч асос – таркибий қисмга эга: адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, адабий танқид. Мазкур таснифдан келиб чиқиладиган бўлса, мунаққид ҳам адабиётшунос. Мақоламиз қаҳрамони Сувон Мели ҳам ўзининг "Адабиёт дарвозаси" номли ишида "мунаққид" ва "адабиётшунос" орасида чегара мавжудлигини қайд этади. Унингча, мунаққид адабиётшуносдан фарқли ўлароқ адабий жараён тақдим этган ҳар қандай мавзу ва савиядаги, ҳар қандай тур ва жанрдаги асарни ўрганиш, талқин этишга мажбур.

МИЛЛАТПАРВАР ОЛИМ

Адабиётшунос эса, нисбатан сараланган асарлар билан иш кўради. Аммо Сувон Мелининг мунаққид олдига қўйган вазифаси анъанавий танқидчиликдаги илмий критерийлардан бироз фарқ қилади. "Мунаққид ҳар қандай асарга ёндашганда, – деб ёзади С.Мели бу ҳақда, – унинг онгу шуурида адабиётнинг олий талаблари ва адабиёт руҳи огоҳ этувчи соқчидек ҳушёр туриши лозим. У адабиётнинг қонида, вужудида мавжуд бўлган олий учликни – Ҳақиқат, Эзгулик, Гўзаллик – кўз қароғида тутган, қалбга сингдирган ҳолда фикр юритиши зарурки, уларнинг бирови лат еган тақдирда ҳам асар тузалмас дардга йўлиққан бўлади. Мунаққид шуни сезмаса-ю англамаса, айтган сўзи ёлғон". Кўчирмада келган "адабиётнинг олий талаблари" ва бош ҳарфларда ёзилган "Ҳақиқат, Эзгулик, Гўзаллик" тушунчалари шунчаки сўз ёки олимнинг қуруқ даъвоси эмас, балки мунаққид Сувон Мели ўз олдига қўйган қатъий талаблардир. Бундай талабга амал қилган танқид ўз-ўзидан этика, эстетика, хусусан, адабиёт назарияси билан тафаккурнинг олий нуқталарида туташади. Том маънода бадиият (поэтика) илмига айланади.

Сувон Мелининг XX аср саксонинчи йилларида ёзилган "Шеърий сўз", "Шеърий сўз ва эстетик таъсир", "Контекстда Сўз динамикаси", "Шеър таҳлили ҳақида мулоҳазалар", "Жонли сўз қудрати" номли тадқиқотлари мисолида адабий танқид поэтик сўз архитектоникаси, бадиий асар структураси, шеър поэтикаси муаммолари билан уйғунлашиб кетади.

Ўзбек адабиётшунослари орасида "шершунос" дейилганда вазн, қофия, радиф, хуллас, шеър техникаси билан шуғулланувчи олимлар тушунилади. Лирик жанрлар назарияси ҳам шу билан чекланади. Ҳолбуки, ҳақиқий "шеършунос" шеър руҳини англаган, моҳир жарроҳ каби уни бўлакларга бўлиб ўрганадиган, қисмларни қайта бирлаштириб, янги – илмий воқелик бунёд этадиган олимдир. Сувон Мели тадқиқотларида шундай олим сийратини кўриш мумкин.

Мунаққид насрий ва драматик асарларни ҳам шеърдек мутолаа қилади. Улардаги шеър мароми, сўз ҳаракатини аниқ ва нозик илғайди. Айни маънода мунаққиднинг "Комик катарсис", "Ўғригина боланинг иззати ёхуд меҳр сеҳри", "Бой ила хизматчи" ёки тикланган нусха муаммоси" асарларини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, "Комик катарсис" тадқиқоти билан мунаққид Ғафур Ғулом ижоди, Шум бола образига муҳташам бир ҳайкал қўйди. Адабий танқидни назария билан уйғунлаштирибгина қолмай, комизм ва трагизм уйғунлиги(трагикомизм)нинг ўзбек бадиий тафаккурида намоён бўлиш қонуниятларини юксак этика ва миллий фалсафа негизида асослашга эришди.

Олим "Мангу мунг (Қадим туркларнинг "қабристон поэзияси")", "Бадиий трагизм қирралари", "Лирик фожелик", "Тилла балиқча фожиаси" сингари тадқиқотлари мисолида туркий адабиёт асосида лирик, эпик, драматик трагизмнинг оригинал қирраларини кашф этдики, бундай назарий хулосалар жаҳон адабиётшунослигида ҳам кам учрайди. Зотан, миллий адабиёт назарияси миллий адабиёт негизида, миллий адабиётшунос томонидан барпо этилади.

Сувон Мели "Мангу мунг" номли тадқиқотида ёзади: "Поэтик сўзда демиурглик, ижодкорлик, яратувчилик хусусияти мавжуд. Унинг кундалик нутқдан, ҳатто бадиий наср тилидан фарқи шунда". Сўзнинг тирилиши, тирилибгина қолмай ижодий куч, ҳаракатга айланиши ҳақида фикр юритиш учун юқорида санаганимиз истеъдод, юксак бадиий матн, назарий базадан ташқари яна бир нарса керак бўлади: олий ақл (ақли кулл) ёки олий ҳиссиёт. Айни фикрни айтаётган одам сўзни жонли мавжудот дея тасаввур қила билиши лозимки, уни фақат Оллоҳнинг марҳамати деб қабул қилиш мумкин.

Сувон Мели ўзининг "Бадиий трагизм қирралари (Чингиз Айтматовнинг "Асрга татигулик кун" романи асосида)" деб номланган тадқиқотида эпик трагизм хусусида сўз юритар экан, асл трагизм нима деган саволга шундай жавоб беради: "Трагизм фожиали воқеа, вазият ёки ҳолатни ҳиссиётнинг авж нуқтасида туриб тасвирлаш ва шу ҳиссиётни китобхон ёки томошабинга айни шу куч билан юқтиришдир. Шунда трагизм пафос даражасига кўтарилади ва трагик пафос вужудга келади".

Мустақиллик даврига келиб, ўзбек навоийшунослиги табиий равишда икки йўналишга ажралди: анъанавий навоийшунослик, янги навоийшунослик. Анъанавий навоийшунослик совет навоийшунослигининг қонуний вориси бўлиб, марксча методология ўрнини тасаввуфга оид луғатлар, рисолалар, маноқиблар, ҳикматли сўзлардан олинган кўчирмалар билан банд этади. Навоий ижодини тадқиқ этишда эса турк, араб, форс тасаввуфшуносларининг фикр-қарашларини ўзлаштириб, улардан қатъий назарий асос сифатида фойдаланади. Шу тариқа илмий ҳақиқатга яқинлашиш ўрнига ундан тобора узоқлашади. Навоийнинг ижодий принциплари, жаҳон бадиий тафаккурида тутган мақоми, унга хос самовий бадииятни тушуниш, тушунтириш учун эса, аввало, Навоий ва миллатни севиш, сўнгра навоийшунослик методологиясини ўзгартириш, янги асосдаги методологик тизим ишлаб чиқиш зурур.

Сувон Мели ўзбек навоийшунослигида кўзга ташланаётган мана шундай хайрли ишларда ҳам ўз илмий имкониятларини намоён этяпти. Бу жиҳат унинг "Навоий ва Платон", "Данте ва Навоий", "Фарҳод ва Фауст" сингари қиёсий адабиётшунослик, "Хамса" супержанр сифатида", "Хамса"да муаллиф образи категорияси", "Бир байтнинг қиёсий таҳлили", "Ҳазиллашманг даҳо билан ёхуд ким ҳақ – Фитрат ёки Навоий?" каби назарий ва адабий танқид йўналишидаги ишларида яққол кўринади. Олим бу ишларида Навоий бадииятига жаҳон эстетик тафаккури ракурсидан туриб ёндашади. Навоий ижодида жанр муаммолари хусусида фикр юритади. Шеъриятидаги структурал ўзига хосликларни кашф этади. Сувон Мели "Данте ва Навоий" тадқиқотида шундай концептуал фикрни илгари суради: "Хамса" муаззам лиро-эпик достондир. Улкан асарни бирлаштириб турувчи, персонажлар, ғоялар ҳамда беш достон бошини бир нуқтада бириктирувчи ҳамма ерда ҳозиру нозир қаҳрамон бор – у "Хамса"нинг бош ва мутлақ қаҳрамони – шоирнинг ўзи, яъни Алишер Навоийдир".

Энг муҳими, Сувон Мелининг Навоийга доир тадқиқотлари янги, салмоқли, ўзига хос хулосаларга бойлиги билан навоийшунослик сарҳадларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Сувон Мелининг "Глобал талқин поэтикаси" (Тошкент, "Фан" нашриёти, 2020) номли монографияси наинки миллий адабиётшунослик, ҳатто жаҳон адабиётшунослиги учун ҳам янгилик бўлди. Зотан, адабиётшуносликда талқиннинг ўнлаб шакллари бор. Аммо глобал бадиий талқин муаммоси ҳали ҳеч бир адабиётшунос томонидан қўйилмаган. Биз глобаллашув, глобал маданият, глобал иқтисод, глобал сиёсат, глобал экологик муҳит каби масалаларни озмунча биламиз. Илло, глобал бадиият ёки глобал илмий-бадиий талқин ва унинг поэтикаси ҳақида тасаввурга эгамизми? Бу монография онгу тафаккуримиздаги мана шу кемтикни тўлдириши жиҳатидан муҳим. Китоб муаллифининг тушунтиришига кўра, буюк ижодкорлар томонидан ижод қилинган асарлар глобал – умумсайёравий муаммолар доирасида ишлайди. Бундай асрларни тушуниш, тушунтириш, илмий тадқиқ этиш учун эса глобал даражадаги илмий талқин зарур. Глобаллашувнинг турли туман – инсоний-ғайриинсоний, ижобий-салбий, яхши-ёмон, маданий-ғайримаданий кўринишларини намоён этаётган бугунги глобаллашган даврда глобал адабиёт қаторида, глобал даражадаги илмий талқинларнинг ҳам ўрни муҳим. Аммо глобал илмий талқин соҳиби бўлиш учун олимлик истеъдоди билан бирга диний, миллий, умуминсоний баркамоллик масаласи бош планда туриши шарт.

Сувон Мели адабиётсиз, миллий адабиётимиз атмосферасисиз яшай олмайди. Уни қалам-қоғозсиз, китобсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буларсиз Сувон Мели йўқ. Сувон Мели миллий адабиёт дарди билан яшайди. Унинг софлиги, самолар узра юксак парвозидан қувонади. Миллий адабиёт ҳудудида қилинган ҳар қандай ножўя амал, айтилган ёлғон сўз Сувон Мелини изтиробга солади, курашга чорлайди. Унинг "Мангу Жалолиддин", "Мангу мунг", "Ҳазиллашманг даҳо билан...", "Адабиёт дарвозаси", "Миллат кўзгуси", "Маданий меросниг чиқити йўқ", "Кауфман нега кулди?" сингари сўнгги йилларда ёзган илмий асарларининг ҳар бири ушбу фикримизни қувватлайди.

Сувон Мелининг барча йирик тадқиқотларидан тортиб, кичик мақолаларигача назарий умумлашмалар, аниқ ва салмоқли хулосалар безаб туради. Бундай назарий хулосалар кўпинча фалсафий мушоҳадалар билан уйғунлашиб кетади. Улар баъзан илмий асарнинг бошида берилиб, тадқиқот давомида ёйиб талқин этилса, баъзида талқин якунига келиб "портлайди". Момоқалдироқ чақини каби кўнгиллар зулматини ёритади.

Сувон Мели ўзининг "Миллат кўзгуси" номли мақоласида ўтган аср адабиёти ва ундаги сустлашув жараёнларини таҳлил қилар экан, шундай ёзади: "XXI аср бошида шу кичрайиш тамойилини буза оламизми? Худди XX аср аввалида бўлганидек, чинакам катта истеъдодларни ижод майдонига чиқара оламизми? Масала ҳам, муаммо ҳам шунда". Унинг чин миллатсевар, асл олим эканини акс эттирган бу ташвишли сўзлар қаршисида бир таскин бор – Сувон Мели сингари фарзандлари бўлган миллат адабиёт дунёсига "чинакам катта истеъдодларни" бера олади. Бунга шубҳа йўқ.

Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори.
Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
профессор.

АКС САДО

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 2021 йил 10 декабрь сонидаги болалар адабиёти муаммоларига бағишланган "Бугун бола – эртага миллат" сарлавҳали давра суҳбатида таъкидланганидек, ёшларни китобга қайтариш ва аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш лозим, чунки китоб келажакни тарбиялайди.

Давра суҳбати иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари китоб ва китобхонликнинг ижтимоий ҳаётдаги муҳим аҳамиятини эътироф этиш билан бирга, болалар адабиёти ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг ўнлаб қиррасини турли ракурсларда кўрсатиб бергани билан эътиборимни тортди. Қолаверса, суҳбат якунидаги мунозарага чорловни "лаббай" деб қабул қилиб, бу борадаги айрим фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчи бўлдим.

КИТОБ КЕЛАЖАКНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

10-12 ёшларда эдим. Бадиий китобга шу қадар берилиб кетгандимки, кутубхоначи янги китоб етказиб беролмасди. Уйда ҳам фақат китоб ўқирдим. Бир куни меҳмонга келган бувамга онам шикоят қилди:

– Бунингизни китобдан ажратиб бўлмайди. Оши ҳам китоб, нони ҳам китоб. Укасини кўтариб юриб ҳам китоб ўқийди. Дадаси ҳам қачон Шўртепага борса, албатта, уч-тўртта китоб олиб келади.

– Ўқигани яхши-ку, хурсанд бўл. Эртага яхши одам бўлади. Мен ҳам кеча ўша Шўртепадаги китоб магазинидан Асқад Мухторнинг "Тирилиш", Ҳамид Ғуломнинг "Машъал" романларини олдим. Ҳозир уканг билан онанг ўқиянпти. Ҳали шундай замонлар келадики, одамлар боласини уриб ҳам китоб ўқитолмайди, – деди бувам ўйчанлик билан.

Афсус, бобомнинг башорати тўғри чиқди. Кейинги пайтда катта-ю-кичик бирдай китобдан йироқлашди. Бу иллат фақат бизда эмас, бутун дунёда тарқалган. Тамаддуни билан кўкрак керадиган Америкада ҳам, аҳолиси ҳатто метрода ҳам китоб-журналдан бош кўтармайдиган Россияда ҳам аҳвол шу. Бунга ҳамма ҳар хил важ кўрсатади. Менингча, тезкор ахборотлар билан тўйинган одамлар китоб ўқишни зарурат ҳисобламай қўйди. Давра суҳбатида бу ҳол болаларбоп яхши асарлар кам яратилаётгани, чоп этиш сарф-харажатлари ва китобларнинг китобхонга етиб бормаслиги билан боғлиқ муаммолар билан изоҳланган. Чунки авваллари ҳар қадамда учрайдиган китоб дўконларини ҳозир чироқ ёқиб ҳам тополмайсиз. Авваллари ҳар бир қишлоқ идораси қошида, ҳар бир хўжаликда кутубхона бўларди. Китоблар 1000-2000 дона эмас, 30000-50000 нусхада чоп этиларди. Одамлар ўқиган китобларини мақтаниб бошқаларни ҳам ўқишга қизиқтирарди, бобо, бувилар набираларига китоб ўқиттириб тингларди. Мактаб кутубхоначиси ҳам синфма-синф юриб кутубхонага келган янги китоблар номини эълон қилар, мазмунини айтиб ўқувчиларни қизиқтирарди. Илгарилари... илгарилари... балки бу ўтмишни қўмсашдай туюлар. Аммо ҳозир турмуш фаровон, тараққиёт тезлашган, ота-оналар ҳам болаларига қимматбаҳо телефон, ноутбук, компютер олиб беришга тайёр. Лекин негадир китоб олиб бермайди. Давра суҳбатида таъкидланганидек, балки бунда китобхон ёки ота-оналарнинг эмас, китобнинг ҳам айби бордир, – биз ижодкорлар ўқувчининг талабига мос асар ярата олмаётгандирмиз?!

Ўзим маънавий тарғиботчилик қилаётган мактабнинг 9-синф ўқувчилари орасида "Сиз қандай китоб ўқияпсиз?" деган сўровнома ўтказдим. Тўғриси, уларнинг "Ҳеч қандай", "Репетиторга қатнайман, китоб ўқишга вақтим йўқ", дейишларидан бироз чўчигандим ҳам. Бироқ улар менга ўқиган китобларининг рўйхатини беришди: Роберт Киосаки "Бой ота ва камбағал ота" (рус тилида), Ден Браун "Рақамли қалъа", "Ибтидо", "Элжернонга аталган гуллар" (муаллифи кўрсатилмаган), Исажон Султон "Боқий дарбадар", Набижон Боқий "Қатлнома"... Ҳаяжонга тушдим, аммо сир бой бермадим: "Наҳотки, "Ўткан кунлар", "Сариқ девни миниб" романларини ўқимаган бўлсангиз?!"

Абдулла Қодирий романларини мактаб кутубхоначиси уйга ўқишга бермас экан. "Устоз, ўқиган китобимиз бизни тафаккуримизни бойитиш билан бирга келажакка ҳам тайёрлаши, танлайдиган касбимизга йўналтириши ҳам керак-ку. Ахир, мен келажакка Сариқ девни миниб бормайман-ку! Мана "Бой ота ва камбағал ота" романи мени келажакда жамиятда ўз ўрнимга эга бўлишим учун нималарга эътибор беришим кераклигини ўргатди. Мени бизнес юритишга, тадбиркорликка ўргатадиган, ўзим ҳавас қиладиган қаҳрамонлар тасвирланган китоб бўлса, албатта, ўқийман", деди ўқувчиларимдан бири. Ҳа, бу ўсмирлик давридан ўтиб, ҳаётга жиддий режалар билан кириб келаётган болаларнинг талаби. Афсуски, болалар адабиётида ана шу соҳа – ўсмирлар адабиёти оқсамоқда. Давра суҳбатида болалар адабиёти ёшига кўра фарқланиши тўғри таъкидланган, кичик ва ўрта ёшдаги болалар учун кўплаб асарлар ёзилди, лекин ўртага ташланган муаммолар билан амалдаги ишлар тарозининг икки палласига қўйилса, муаммоли тараф кўпроқ тош босади. Кейинги пайтларда ўсмирлар қизиқадиган мавзуларда жиззахлик Исоқ Исҳоқов, самарқандлик Бобораҳмат Муҳаммадиев, сурхондарёлик Очил Тошқулов ўқишли қиссалар ёзишди. Бу асарлар "Гулхан" журналида эълон қилинди. Асарлар ўқувчилар томонидан жуда илиқ кутиб олинди. Афсуски, бу қиссалар эълон қилинган журналимизнинг адади атиги 3000 нусха. Демак, бу асарларни мамлакатимиз болаларининг атиги 1 фоизи ўқишга муяссар бўлди. Уларни китоб ҳолида нашр этиш эса осон иш эмас. Бир пайтлар салкам бир миллион нусхада чоп этилиб, мамлакатнинг чекка ҳудудларидаги ижодкор болаларнинг ҳам қалбига ўт солган ушбу нашр Кавсар Турдиева, Дилшод Шамс, Иқбол Мирзо, Исажон Султон, Фароғат Камолова, Нодира Афоқова, Фарҳод Арзиев, Дилшод Ражаб, Ориф Тўхташ, Салим Ашур, Равшан Файз каби ўнлаб истеъдодларнинг юзага чиқишида омил бўлган.

Ҳа, адабиётга йўл болалар нашрларидан бошланади. Чунки журнал болалар ижодкорларининг минбари. Ҳаким Назир, Пўлат Мўмин, Қуддус Муҳаммадий, Носир Фозилов, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор сингари устоз адиблар ҳам болаларга ёзган асарларини ҳали сиёҳи қуримасданоқ "Гулхан"га илинарди. Асарлари чоп этилгач, журналхонларнинг мактубларини биз билан биргалашиб кутишарди. "Бола илтифотни, хушомадни билмайди. Энг тўғри баҳони болалар беради", деганди бир суҳбатда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор. Тўғри, илк баҳони ўқирман беради. Аммо бу ижодкор учун камлик қилади.

Давра суҳбатида айтилганидек, ҳар бир асар, албатта, адабиётшунос, тақризчи назаридан ўтиши, матбуотда баҳосини олиши керак. Ана шунда бу нафақат асарнинг сайқалланишига, балки китобхоннинг шу асарга бўлган қизиқиши ортишига ҳам сабаб бўлади. Тақриз ўзига хос реклама вазифасини ҳам ўтайди. Бугунги кунда Отабек Қувватов, Баҳром Акбаров, Юсуф Файзуллонинг ҳам болаларга аталган китоблари чоп этилди. Аммо бирорта адабиётшунос бу асарлар ҳақида фикр билдиргани йўқ.

Катталар китобга қайтса, ота-оналарнинг ўзлари китоб ўқиса, боласига ҳам китоб олиб беради. Энг янги ҳикоя, қиссалар, жаҳон адабиёти дурдоналари билан таништириб борадиган болаларнинг адабий-бадиий журналлари "Гулхан", "Гунча", болалар газетаси "Тонг юлдузи"га обуна ҳам қилади. Бу борада маблағини аямайди. Умуман, маънавиятдан пулни аямаслик керак.

Бугун боламизнинг, ўзимизнинг маънавиятимиздан тежаб қолинган минг сўм эрта бир кун ўн минг сўм зарар бўлиб қайтади. Китобга қайтяпмиз, одамлар китоб сўраяпти деб, китобни ҳам бизнесга айлантириб юбориш мазмунан саёз, сийқа китобларнинг кўпайишига олиб келади. Бу эса, табиий ўткир дидли китобхонни китобдан совутади. Қолганларнинг дидини эговлайди. Ана шу нарсага ҳам эҳтиёт бўлишимиз керак.

Шу ўринда яна бир гап. Болалар адабиёти ривожини фақат болалар ёзувчилари зиммасига юклаб қўймасдан Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор анъанасини давом эттириб, катталар адабиётида баракали ижод қилаётган ёзувчиларимизни ҳам ўз даврамизга таклиф қиламиз. Чунки уларда тажриба ҳам, маҳорат ҳам етарли. Фақат салгина болаларининг, набираларининг ҳаётини кузатишса, уларни яхши кўришса кифоя. Улар бу ишни шараф билан уддалашларига ишонамиз.

Муҳаббат ҲАМИДОВА,
"Гулхан" журнали масъул котиби,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ҚУЁШ АРДОҒИДАГИ ЮРТ ИЛҲОМИ

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

Тарих кўзгуга ўхшайди. Унда юртнинг, халқнинг ҳаёти, қадриятлари, интилишлари, жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси акс этади. Таниқли адабиётшунос олим Тоштемир Турдиевнинг шу йил "Сурхон" нашриётида чоп этилган "Қуёш ардоғидаги юрт" китобини варақлай туриб, беихтиёр юқоридаги фикрлар хаёлимдан ўтди.

Китобда муаллиф тарихчи, халқ қадриятлари тарғиботчиси, фольклоршунос олим, меҳрибон устоз сифатида кўзга ташланади. Хусусан, муаллиф Денов тарихини Ватанимиз тарихи билан чамбарчас боғлаган ҳолда теран таҳлил этади. "Мозий манзаралари" деб номланган бу бўлим қарийб 3 – 3,5 минг йил атрофидаги муддатни қамраб олади. Зеро, Денов тарихи ҳам муқаддас заминимизнинг бошқа ҳудудлари каби Бақтрия, Кушон, Эфталитлар, Турк хоқонлиги, Қорахонийлар, Хоразмийлар, Темурийлар, Шайбонийлар ва Бухоро амирлиги даврлари билан бевосита боғлиқ равишда тадрижий йўлни босиб ўтган. Айниқса, Чағониён ва унинг тарихи билан боғлиқ археологик топилма ва маълумотлар таҳлили китобхонда қизиқиш уйғотади. Шунингдек, Чағониённинг қадимий адабиёти ва шеърияти тарихига оид қисмида Абу Бакр ас-Соғоний, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Соғоний, Абу Ҳамид Устурлобий ас-Соғоний, Тоҳирий, Маъруфий, Абул Ҳусайн, Аҳмад Дақиқий, Тоҳир Чағоний, Жулуғ Форрухий ва бошқалар ҳақида маълумотлар келтирилиб, уларнинг иқтидори, асарлари, ижтимоий ҳаётдаги фаолликлари ҳақида сўз юритилади. Айниқса, қадимги ёзма манбалардан Чағониён ҳақидаги қимматли маълумотларнинг келтирилиши, Хўжа Аҳрор Валийнинг Чағониёнда бўлиши, Деновдаги муқаддас зиёратгоҳлар, Чағониённинг шаҳар ва қишлоқлари ҳақидаги мулоҳазалар илмий далилланганлиги билан аҳамиятлидир. Бу қадар катта ҳажмдаги материалларни тўплаш ва ўрганиш муаллифнинг заҳматли изланишлари самарасидир.

Китобнинг "Талқин ва тадқиқотлар" бўлимидаги мақолаларда муаллиф Деновда камол топган, обрў орттирган инсонлар ҳақида тўхталар экан, кўпчиликнинг тилидаги "Денов, бу – Денов-да!" деган иборага муносабат билдириб, мулоҳаза юритади ва шундай хулосага келади: " Деновда нопок ва номард, бунинг устига, бирозгина ёлғон ҳам айтадиган одамнинг иши юришмайди, амалтақал қилган тақдирда ҳам топганида барака, турмушида ҳаловат бўлмайди, инсофли, виждонли, диёнатли одамни эса Денов бошига кўтаради". Шу боисдан ҳам бу заминдан Иброҳим Файзуллаев, Аҳмад Нарзуллаев, Раҳмон Муҳаммадиев, Ҳамза Маҳкамов, Юсуф Зиёев каби Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Назар Тўраевдек академиклар, Бобораҳим Маматмуродов каби Ўзбекистон халқ бахшилари, Тоғай Мурод каби халқ ёзувчиси, Ўлмас Расуловдек Ўзбекистон халқ артистлари ва бошқа таниқли кишилар етишиб чиқди.

Муаллиф аждодлар руҳини ҳурмат қилиш, улар номини улуғлаш ҳақидаги мулоҳазалари асосида бундан бир минг икки юз йил илгари яратилган қадимги туркий ёдномаларга мурожаат қилиб, адиб Йўллуқ Тегиннинг Билга Хоқон ва кул Тегин қабр тошларидаги қуйидаги битикларини келтиради: "Авлодларнинг биринчи бурчи – ўз аждодларини унутилишдан асраб қолишдир".

Тоштемир Турдиев умр бўйи маънавият ва маърифатга хизмат қилиб келаётгани боис ушбу китобда маънавий тарбияга алоқадор мулоҳазалар салмоқли ўрин тутади. "Тафаккур нуридан ёнган чароғлар", "Миллий мафкурамиз кўзгуси", "Қалқонимиз – маънавият", "Маънавият олами – жасорат майдони", "Мустақилликнинг мумтоз ҳайкаллари", "Келажакнинг кафолати" ва бошқа мақолалар фикримига далил бўла олади. Ушбу китобдан муаллифнинг Раъно Узоқова, Теша Сайдалиев, Низомжон Парда каби воҳалик шоирлар ҳамда халқ қўшиқлари ва достонлари, бахшичилик анъаналари ҳақидаги илмий мақолалари ҳам ўрин олганки, уларда Т.Турдиев адабиётшунос, фольклоршунос олим сифатида намоён бўлади.

Шубҳасиз, ушбу китоб ёш авлодни тарбиялашга, маънавиятини бойитишга ва дунёқарашини ўстиришга хизмат қилади.

Қудрат ШАРИПОВ

«БУРГУТГА БОШ ЭГМАГАН БАРС»

ЯНГИ НАШР

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист Янгибой Қўчқоров қаламига мансуб янги роман шундай номланади. Асар "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи Қаллибек Камоловнинг нурли ва машаққатли ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилади. Муаллиф бир инсон ҳаёти орқали қорақалпоқ халқининг кейинги юз йиллик йўлига синчковлик билан назар солади.

Романда нафақат Нукус, балки Қорақалпоғистондаги барча туманлар тарихига, бугунги кунига оид қимматли маълумотлар қайд этилган. Айниқса, бош қаҳрамоннинг отаси Камол Нуржон ўғлининг образида қорақалпоқ халқининг доно, меҳнаткаш, оқибатли халқ эканини кўрсатиб берилган. Муҳими, романда бугунги обод, кўркам Қорақалпоғистоннинг муҳташам биносига пойдевор қўйган, уни бунёд этган юзлаб мард, олижаноб инсонлар ёдга олинган.

Китоб бугунги ва келгуси авлод қалбида оталар юрти ҳақида ёрқин таассуротлар уйғотиши билан ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Китоб "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган, муҳаррир Гавҳар Мирзаева.

Турсун АЛИ

ВАТАН КЕНГЛИКЛАРИ

Достон

МУҚАДДИМА

Ватаним, гўзал бир келинчак мисол,
Турфа либосларда очмоқдадир юз.
Ҳайратдан нозланиб боқади ҳилол,
Ранглар дунёсида
Адашади кўз.

Булутлар қаърида рангин бинолар,
Кўприклар соҳилда худди паҳлавон.
Ердан бош кўтарган кўкка зиналар,
Қўлларим чўзсам, эҳ
Тутилар осмон.

Қиру адирларнинг яйдоқларида,
Дарёдек шовуллар олтин буғдойзор.
Қўй-қўзилар чўпон қароқларида,
Яшил майсазорда
Ўтлар беозор.

Боғлар бағри очиқ, мевалар шиғил,
Дарахтлар букчайган,
Асода гўё.
Жаннат оғушида юргандек кўнгил,
Ажиб латофатга кўмилар дунё.

Гўзал водийларни кезаман яёв,
Менга ҳамроҳ бўлар
Баъзида авто.
Қай ердан шамолдек ўтаман бирров,
Қай гўшада кечам оқаргай ҳатто,

Ватан, кенгликларинг,
О, руҳ бахш этар менга.

ЙЎЛ

Пешин. Йўлга тушдик.
Манзил Бухоро.
Авто қанот қоқар, учмоқда борлиқ.
Йўл учар тўлқиндай сарҳадлар аро,
Ойнада шамоллар учади илиқ.

Дарахтлар учади, япроқлар тўзғин,
Уфққа ястанган далалар учар.
Учиб бораётир,
Одамлар озғин,
Узун оёқлари заминни қучар.

Мен ҳам учмоқдаман кенгликлар томон,
Рангин туйғуларга шўнғийди вужуд.
Руҳим оламидан
Чекинар армон,
Онамнинг бағридек Ватан беҳудуд.

Балчиқзор зовурлар пойимда қолар,
Сарғайган қамишлар шитирлар жўшқин.
Қаноти ер чизиб
Учар қарғалар,
Мен эса фалакда учаяпман бетин.

Сирдарё оқмоқда куз каби сокин,
Энди бошланади кенгликлар беҳад.
Алвон юлғунзорни эркалар эпкин,
Қалбимни чулғар
Тирик муҳаббат.

Оқшом қуши қўнди, атроф қоронғи,
Олис-олислардан жилмаяр чироқ.
Кўзга илинмоқда йўлнинг адоғи,
Авлиёлар юрти
Бунчалар йироқ?..

Ватан, кенгликларинг,
О, руҳ бахш этар менга.

БУХОРО

Мунчалар баландда бу қадим шаҳар,
Энг юксак тоғдан ҳам баланд беадад.
Кекса кўчаларин кезсам-да саҳар,
Кўкдами бўй-басти
Кўринмас сарҳад.
Бухорони юриб адо этолмам.

Бунча чуқур, теран –
Бу шариф шаҳар!
Тушсам-да қаърига етмасман сира.
Ҳожа Баҳоуддин пир руҳи қўллар,
Тавоф этмоқдаман хок-пойи узра
Бухорони юриб адо этолмам.

Бунча улуғ, навқирон,
Азим бу шаҳар!
Сувин ичмоқдаман Лаби Ҳовуздан.
Таъриф-тавсифини айтсам мухтасар,
Пиру авлиёлар тушмас оғзидан,
Бухорони кезиб адо этолмам.

Бунчалар тилсимдир –
Бу қадим шаҳар!
Минораи Калон лайлаклар юрти.
Абдулла Орипов ҳамон шеър айтар,
Кўзимда Бухоро
Мангу суврати.

Ватан, кенгликларинг,
О, руҳ бахш этар менга.

ҚЎҚОН

“Қамчиқ” довонидан ташланар кўзга,
Қадимги навқирон
Қўқон бўй-басти.
Шамоллар оҳиста урилар юзга,
Мевага бурканар дарахтлар ости.

Оқ яктакли деҳқон савати очиқ,
Тўлатиб тўрвага солади ўрик.
Хонадон соҳибин
Қўлида сочиқ,
Дастурхон тузайди қоқмасдан киприк.

Қўқон ҳунармандлар шаҳридир азал,
Заргарлар,
Наққошлар дунё бўйлаган.
Лаганда чарақлар кўкдаги ҳилол,
Шоирлар юртини ёниб куйлаган.

Ёғочдан ясалган ҳар бешикда меҳр,
Лойдан бунёд этган
Ҳуштакда овоз.
Ипакдан тўқилган гиламда сеҳр,
Жону забон ато этилгани рост.

Бу кун қадим Қўқон замоннинг шаҳри,
Юз очган паридек
Эгнида сарпо.
Гул янглиғ очилгай одамлар баҳри,
Қўллар сеҳри уни айлаган барпо.

Ватан, кенгликларинг,
О, руҳ бахш этар менга.

БОҒДОД

Боғдод. Бободеҳқон, ҳунармандга юрт,
Шоликор, қурувчи топишган камол.
Элининг кафтида ин қурган бургут,
Йўқ,
Юракларда йўқ ҳеч қандай завол.

Кечаги чўл бугун шаҳарча эрур,
Беш ой ичра, ажаб, олтмиш бир уй, эҳ...
Мўъжизакор мактаб дилларга сурур,
Нафис боғчаларда
Бола яйрар шўх.

“Иссиқ хона”да барг чиқарар бодринг,
Қизарар помидор қизлар юзидек.
Гарчанд сўндиролмас аёз,
Шудринг,
Раънохон Қосимова фермер юлдуздек.

Ўт чақнар боғдодлик қадамида, ҳа,
Халқнинг ушалмоқда осмон орзуси.
Санъат саройида куй, қўшиқ, ялла,
Зотан,
Эл кўзидан қочган уйқуси.
Боғдод. Кечаги чўл бугун “Гулистон”,
Президент назари тушган Отабек,
Бу кун толиб эрур
Кўнгилда бўстон,
Ҳеч қачон зор бўлмас юртида ўзбек!

Ватан, кенгликларинг,
О, руҳ бахш этар менга.

ҚУВА

Қува кўп қадим юрт, таваллуд топган,
Дунё ардоқлаган
Фарғоний бобо.
Тупроғин соч ёйиб мажнунтол ўпган,
Адир этагидан эсади сабо.

Йилларки “Каркидон” сув сақлар шаффоф,
Ҳайқириб ариқда оппоқ дур оқар.
Далаларда пахта
Гўёки садаф,
Уйларнинг шипида чирсиллар анор.

Қува кенглигида кўҳна тепалик,
Ястаниб ётадир асрлар қўйнида.
Ҳар жойи ўйилган,
Тилинган шўрлик,
Онадек тебранар шамоллар куйида.

Болалигим ўтган тепалар аро,
Гоҳ ўзни йўқотиб,
Гоҳ ўзни топиб.
Мен онамдан эрта тушганман айро,
Юз кўришолмадим ортидан чопиб.

Ўшал тепаларни соғинаман мен,
Боламан бу кун ҳам – сочлари оппоқ.
Гарчанд, тепалару
Қабристон сокин,
Бироқ юрагимда гурсуллар, уйғоқ...

Юртим осойишта – қатъийдир сўзим,
Фермерлар меҳнатдан сурмоқда даврон.
Ишкомлар кўчада,
Бол йиғар узум,
Бу ҳолат Қувада азал ҳукмрон.

Ватан, кенгликларинг,
О, руҳ бахш этар менга.

ЗОМИН

Зомин. Тоғ ораси. Дам олиш маскани,
Оққушдек бўй чўзиб, ёр каби чорлар.
Чўққиларнинг пойи салқин хиёбон,
Ёзда ҳам кетмагай
Сўлим баҳорлар.

Ўрикли қўйнида туғилар қўшиқ, шеър,
Ҳар йили Адабиёт этади байрам.
Ёшлар овозида,
Кўзларда меҳр,
Ватан муҳаббати қалбда чинакам.

Бунда шеър ўқиган Абдулла Ориф,
Овози тошларни уйғотган бешак.
Даврага Воҳидов айлаган ташриф,
Чақмоқдек
Шоирлар кўнглида истак...

Ёш юрак қўлида Навоий, Фурқат,
Айтматов,
Кафкадан ўқишар китоб.
Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Фитрат
Даврага киради бамисли офтоб.

Мушоира... Бу кун ҳам этади давом,
Адабиёт умри абадий бешак.
Ёш юраклар тўлқин,
Жўш урар илҳом,
Ўрикли қўйнида навқирон эртак...

Тошлар орасида не тонг
Беш юз йил –
Умр сураётган “Бобоёнғоқ” ва
Зоминнинг қадимий қабристонида,
Бир тут аср қаридан этмоқда жилва.

Зомин тупроғини этаман тавоф,
Юртбоши туғилган муқаддас юрт бу.
Ҳар дарахти, майса, гиёҳи шараф,
Тарих варағида
Яшайди мангу.

Эй азиз ўқувчим, келди мавриди,
Президент ҳақида сатрлар айтиш.
Зотан,
Юрт одами кўнгил ҳамдарди,
Нечун қисматимда яралсин қайтиш?!.

Дарё соҳилини қучгани каби,
Юрт одами Ватан кенглигин суйгай.
Тупроғин ўзига жо айлар қалби,
У чексизлик аро
Бир зум тинмагай.

Унинг онг-шуури, тафаккурида
Яралгай кашфиёт,
О, тараққиёт.
Теранлик мужассам илм оламида
Босган қадамига ёр абадият.

Азиз авлиёлар,
Не буюк зотлар,
Дилда, тилда, ҳар қачон ёдда.
Юрагида чопар Бойчибор отлар,
Учаётир Ватан Ҳумо қанотида.

Юрт одами тунлар, ой-юлдузларга
Қўл бергай, сирлашгай ёниб, энтикиб.

Киприкларин улар оқ кундузларга,
Елкасида қуёш
Турар кўз тикиб.

Юрт одамин йўли
Йўлдан-да узун,
Само дарвозаси очиқ, чароғон.
Юрагида Ватан ястанган гулгун,
Ҳаяжонга тўла ҳур Ўзбекистон!..

Ватан, кенгликларинг,
О, руҳ бахш этар менга.

ОРОЛ БЎЙИДА

Орол кенгликлари денгиздек уйғоқ,
Тўлқиндек чайқалар қандим,
Саксовул,
Устюрт томонлардан келади сайғоқ,
Ватан дея улар талпинар буткул.

Оқариб оқмоқда оқшомлар бу кун,
Мошинлар ўтади, гуркирар ҳаёт.
Уйғоқ овозларга
Чулғанар ҳар тун,
Орол бўйларида жўшқин тараққиёт.

Чўлу биёбонда шаҳарлар бўйчан,
Дунё пештоқига узоқ тикар кўз.
Бир лаҳза
Қуёш ҳам тик турар ўйчан,
Тунлари ой тушар ҳеч тополмай сўз.

Ақчакўл сувлари жимирлар сокин,
Балиқлар сапчийди
Ҳавода биллур.
Руҳимни сатрлар қитиқлар ўқтин,
Қалъалар таратгай ўтмишдан шуур.

Нукус қиёси йўқ навқирон шаҳар,
Турфа обидалар кони – Ватани.
Оғушида кезсам
Шомдан то саҳар
Шаббода эркалар ҳориган танни.

Ватан, кенгликларинг,
О, руҳ бахш этар менга.

АМУДАРЁ

Улуғ Амударё куйлайди қўшиқ,
Тўлқинлар сапчигай жўшқин, беором.
Бу соҳилда
Кимлар бўлмаган ошиқ,
Юраклар тирналган, билмаган ором.

Жалолиддин Мангуберди сув ичган,
Муҳаббат бахш этган Амударёга.
Ватан, халқ учун
Муздек сув кечган,
Қиличин сермаган қаттол дунёга.

Амударё, нечун жўшиб тошмасин,
Қанча ёт қўлларда кечган жилови.
Сапчадек тилишган ўтмишда кўксин,
Бугун суви зилол,
Эркдур ялови.

Амударё, нечун жўшиб оқмасин,
Улкан метин кўприк белда қад ростлар.
Лаҳзада қолдириб ҳаёт ўз изин,
Тепасидан ўтар
Учқур поездлар.

Амударё нечун оқмасин оппоқ,
Бир соҳил кўҳна Хоразм эрур.
Бир ёнда ястанган жон Қорақалпоқ,
Қўл берган ерлари
Уфқларга мағрур.

Ватан, кенгликларинг,
О, руҳ бахш этар менга.

КЛАСТЕР

Кўз ўнгим уфққа туташ пахтазор,
Нурин тарар пахта,
Очилган чаман.
Бир зум менинг кўнглим қақшади зор-зор,
Кўзимни қоплади кечаги замон.

“Пахта иши” дея халққа ёғилди,
Маломат тошлари,
Ҳар хил бўҳтонлар.
Қўли қадоқ деҳқон сўзсиз отилди,
Тоғ каби кўкрагин керди “шайтонлар”.

Не тонгки, авж олди, қама-қамалар,
Миллат раҳбарлари оғзида талқон.
Ўлкам осмонида ўкинч, аламлар,
Бу ерда
Кремль сўзи ҳукмрон...

Бу кун пахта учун хўрлаш, зўрлаш йўқ,
Елкасига олган
Жаноб кластер.
Ғаллаю пахтадан обдон кўнгил тўқ,
Ёзолсам шаънига, кошки бир сатр шеър.

Муртазо Аҳмедов – билимга лим-лим,
Кластер раҳбари ишлари эзгу.
Ким учун у шогирд,
Кимга муаллим,
Туғилган Бухоро тупроғида у.

Бу кун дасти узун кенгликлар аро,
Бир кафтида нефть,
Бирида пахта.
Узун ўйларида янги ихтиро,
Боғлар, тикув цехи, яралгай пухта.

Муртазо Аҳмедов мукаррам, машҳур,
Етим-есирларга сахий, очиққўл.
Меҳнат-ла кечалар ҳам таратар нур,
Халқ учун, юрт учун
У очар оқ йўл!

Ватан, кенгликларинг,
О, руҳ бахш этар менга.

ТОШКЕНТ

Кенг ёзар қанотин Тошкент кўчаси,
Эллик бир қаватли оқ,
Оппоқ бино.
Суюб юрагимнинг келур қучгиси,
Гўё кўрмоқдаман ғаройиб кино.

Ўйларим тулпори етаклар мени,
Болалик уйимнинг
Паст томи сари.
Хаёл кенглигида эсладим нени?
Теграмда орзулар эсиб сарсари...

Шаҳар.
Осмон ўпар бино. Яшамоқ –
Кўнглимда туғилган ўша кезлари.
Етим болалигим кечмаган қувноқ,
Қайларда қолмади мунгли изларим?!

Гоҳ бировнинг уйида,
Ётоқхонада,
Ўтган ҳаётимнинг ярим бўлаги.
Яшамоқ афзал – деб қамоқхонада
Кўзёш тўккан тунлар, юкли аёлим...

Ҳайрат ҳассосига суялиб бугун,
Бу улкан бинодан узолмайман кўз.
Юрагимнинг чуқур жойида нечун,
Вулқондек отилур
Ҳаяжонли сўз?!..

Бу улкан бинога қарайман илкис,
Денгизда кемадек юзаётир у.
Ажабо қурилган,
Кемага эгиз,
Бош тираган осмон тоқига мангу!

Қарангки, қаршимда яна бир бино,
Узун, нозик, кўркам,
Худди паризод.
Буюк меъморларга қиламан дуо,
Сўнмасин гулдайин ноёб истеъдод.

Ғаройиб Ватан бу,
Эртаклар юрти,
Янги Ўзбекистон яралди бу кун.
Дунёга донг таратар сийрат, суврати,
Ватаним шаънига шеър битмай нечун?!

Ватан, кенгликларинг,
О, руҳ бахш этар менга.

СИРҒАЛИ МЕТРОСИДА

Сирғали тарафга елади метро,
Гоҳ ер ости,
Гоҳ очиқ ер узра.
Гўёки учади руҳимиз аро,
Ўтмайди лаҳзалар беҳуда сира.

Куни кеча метро қучоғида мен,
Йўлга тушдим шодон Сирғали томон.
Ёнимга отахон ўтирди вазмин,
Хотиржам,
Шодлиги кўзида намоён.

– Йўл бўлсин, отахон –
Ҳамроҳдир асо,
– Набирам уй олган, сўнгги бекатдан,
Чевара соғинчи ўртади роса,
Тирранча ўрганган менга ҳалитдан.

Уйим Юнусобод даҳасида нақ,
Остона ҳатласам, ғизиллар метро.
Ёшларни сира ҳам қилмайман илҳақ,
Хабар олмоқдаман
Баъзан кун аро.

Кўнглимиздек очиқ,
Равон йўлимиз,
Билсангиз Сирғали ёшлар даргоҳи.
Қолсин ортимиздан ёруғ изимиз,
Ҳавода учмасин ҳеч кимса оҳи...

Гўёки учаяпмиз очиқ ҳавода,
Бекатлар-да очиқ,
Мунчоқдек уйлар.
Поезд учар қушдек гўзал навода,
Юртим менга жаннат янглиғ туюлар.

Ватан, кенгликларинг,
О, руҳ бахш этар менга.

«ДУНЁ» БОЛАЛАРГА

Бепоён юртимнинг ҳар гўшасида
Ҳаво соф, беғубор, гиёҳлар турфа.
Кийик ўт,
Ялпизу анғиз расида,
Умрга қўшади янги саҳифа.

Ватан кенгликларинг ҳар қаричида,
Янги мактаб,
Боғча салобат тўкур.
Биноларнинг ёруғ, кўркам бағрида,
Ёш кўнгиллар қувнаб олади шуур.

Нозим Ҳикмат ният айлаган каби:
“Дунёни топширайлик болаларга”.
Мисоли кўзмунчоқ
Болалар сафи,
“Дунё” берилмоқда гуллолаларга!

“Беш ёғоч қўли”да бунёд этилган,
“Magic City” сари кираман ўктам.
Бинолар антиқа,
Европа кўчган,
“Озодлик” қўллари қурган мустаҳкам.

Ортимда набирам Муҳаммад Иқбол,
Гоҳ мендан ўзади,
Баъзида эса...
Қадамида товуш берар истиқбол,
Парво ҳам қилмасман изғирин эсса...

Ватан, кенгликларинг
О, руҳ бахш этар менга.

ҲАЗРАТ НАВОИЙ ҲАЙКАЛИ ПОЙИДА

Набирам қўл тутиб мени бошлайди,
Улуғ зот Навоий пойига дадил.
Қўл чўзиб юксакка
Кўз қир ташлади,
Навоий ҳайкали бунчалар адл?

Алишер Навоий шеърият қуёши,
Нечун,
Қуёш пастда бўлиши керак?!
Олти юз йилларки туғилган ёши,
Адабиёт бизда ҳамиша юксак!

Ҳайкаллар боғ ичра шеър ўқир ажаб,
Ўтмишдан эртаклар “сўзлайди Қаҳҳор” ,
Ўлмас асарлардан сўйлар,
Сўз тежаб,
Озод Шарафиддин домла бахтиёр.

Файнбергнинг ўзбекча урган юрагин,
Булбулдек сайратар Рустам Мусурмон.
Яна қанча шоир,
Адиб дилида,
Юрт мадҳи куйланар тўлиб беармон.

Ҳайкаллар пойида чопар набирам,
Уюшма уйида ёниқ чироқлар.
Танамдан шамолдек тарқар
Чарчоқ ҳам,
Мени етаклайди йироқ-йироқлар...

Ватан, кенгликларинг
О, руҳ бахш этар менга.

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» БОҒИ

Пойтахт ёнбошида бир боғ яралди,
Ҳали дарахтлари
Ниҳол ўспирин,
Шавкати замину кўкка таралди,
Боғ оралаб кезар шаббода сарин.

Хумо қуши кўкда қоқади қанот,
Гўё учаётир Ўзбекистоним.
Улуғ алломалар руҳи барҳаёт,
Вужудимда Ватан –
Яйрайди жоним.

Бу боғда Ўзбекистон ўтмиши тирик,
Чўлпону Беҳбудий, Мунавваркори,
Абдулла Авлоний қоқмоқда киприк,
Энди
Юракларда йўқ эрур зори...

Бу боғда байрамлар ўтади хуррам,
Жаранглайди қўшиқ,
Дутор овози.
Шоирлар, бахшилар руҳида илҳом,
Қўлдан тушмагай санъаткор сози.

Ватан, кенгликларинг
О, руҳ бахш этар менга.

«ДЎРМОН» ИЖОД УЙИДА

Дўрмон боғларини кезаман ўйчан,
Чинорлар осмонни турар кўтариб.
Барглари тўкилган
Дарахтлар бўйчан,
Ортимдан эргашар кимдир йўталиб.

– Эй, сизмисиз, шоир,
Қандай Наманган?
– Гулларга бурканиб очмоқда чирой.
Шаҳарлар, туманлар қаддин ростлаган,
Муҳташам қурилган ёшларга сарой.

– Ибрат мактабидан сўз очинг аввал,
Ёш шоир, адиблар
Яшар адабиёт.
Уят эрур сўздан тутилсангиз сал,
Мактаб қучоғида шарқирар ҳаёт.

– Мана Асқар Мухтор дала-ҳовлиси,
Ўзи эккан эман гуркирар ҳамон.
Чорлаб турар хушбўй,
Ўтли нафаси,
Китобларга тўла ҳали ҳам тахмон.

Яшаган бу уйда Иброҳим Раҳим,
Беҳилар, олмалар саф тортган қатор.
Ўтса-да қанча йил,
Юз йиллар балким,
Мевалар тугади букчайган анор.

Яхшидан боғ қолар, ёмондан эса...
Ҳали ҳамон дилда Иброҳим Раҳим.
Дарахтлар барг ёзар
Гар асрлар ўтса,
Башорат беради вужудда руҳим.

Аёл шеъриятида сололган довруқ,
Зулфия овози тутган дунёни.
Бадан жунжикмоқда –
Тобора совуқ,
“Мушоира” қиздирар ўтдек ҳар ённи.

Шоир, ҳали кўпдир дала-ҳовлилар,
Ана Саид Аҳмад, Қаюмов домла.
Пиримқул Қодиров –
Шодланган руҳлар
Теграмизда кезар муҳаббат ила...

Ватан, кенгликларинг,
О, руҳ бахш этар менга.

ХОТИМА

Ватан, достон ёзсам таърифинг узун,
Қучоғинг бепоён,
Чексиз нақадар.
Юрмаган йўлимдан юрсам-да куну тун,
Балки етолмасман, оғирдир сафар.

Ватан, достон ёзсам ўтмишинг узоқ,
Кўнглимда кечмоқда
Мангу муҳаббат.
Сувратинг чизмоққа истеъдод йироқ,
Сен учун ўзни бахш этурман фақат.

Ватан, достон ёзсам,
Тарихинг қадим,
Амир Темур бошга кўтарган сени.
Шоҳ эмас, Улуғбек сенга мунажжим,
Буюклар ҳайратга солишган мени.

Термизий, Насафий, Марғилоний ҳам
Сенга фарзанд эрур
Мукаррам зотлар.
Умрлари ўтса-да нафаси бардам,
Сенга бахш айлайди учқур қанотлар.

Ватаним ўтмишинг узундир беҳад,
Ёзмоққа етмайди қаламим кучи,
Қайноқ туйғуларим
Билмайди сарҳад,
Бугунинг ёзолсам шул менинг бурчим.

Учинчи Уйғониш давр пойдевори,
Ватан кенглигида руҳ топди абад.
Оламга таралди унинг виқори,
Халқим тафаккури
Юксалур баланд.

Ай, жоним, янгидан яралган Ватан,
Бу кун озод,
Эркдур қўлингда қушинг.
Довюрак Юртбоши сенга жону тан,
Ярашмоқда сенга дунё қучишинг!

Ватан, кенгликларинг,
О, руҳ бахш этар менга.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ

ОЛИСЛАРДА БОЛАЛИГИМ БОР

ҚАЛАНДАР

Китобим сўнгида бўш жой қолибди.
Уни тўлдиришга излаб қолдим шеър.
Бир пайти қарасам, ўз юрагимда
Ҳувиллаб ётибди аллақанча ер...
Сўнг ортимга боқиб, даҳшатга тушдим,
Бекор ўтган кунлар, ойларим қатор.
Бекорчилик ғорат айлабди роса,
Айни гул чоғларим нақ мўғул-тотор.
Ўтган ул дамларни бўлмас қайтариб,
Ўтган ўтди-кетди, аттанг демасман.
Мангулик бамисли қаландар, ғариб,
Унинг этагига илашган хасман....
Энди пушаймондан чой қайнатишга
Вақт етди аттангу афсусни ёқиб.
...Қаландар ухлашдан олдин жандасин
Силикийди ва борин ташлайди қоқиб.

ЭҲ, ЁШЛИГИМ...

“Ақлингиз етмайди бунга ҳеч, ота!
Замон қанча олға кетган – ортдасиз.
Билмаган нарсага бурнингиз тиқиб,
Бошимга ҳар куни ташвиш ортасиз...”

Тўнглик қилди болам, деб чекайми ғам?
Ўринли-ўринсиз нолалар нечун!
Хурсанд бўламиз-да, ғўр ёшлигимиз
Эслатиб турган шу болалар учун...

КУЗ ВА ҚИШ

Ёздан чиқиб, киргандим кузга...
Мана бугун Кузни кузатдим:
Либосидан ажралган Кузни
Оқ соқолли Қишга узатдим.

Ошиқади кекса ошиқ Қиш:
Қисқартирар ёмон кунларни.
Шошмас тонгни оттириш учун
Узайтириб ташлар тунларни.

ҲУСНИ ФАРОВОН

Эй умри азизу ҳусни фаровон,
Сенинг ишқинг билан кўнглим чароғон.
Шарму ҳаёсидан гунгликка тушмиш,
Кўзин қири билан ҳолим сўрағон.

Кўнглимни қутқарай дейману аммо
Оёғим кўчанга бўлди юрағон.

Айлаб ўзига банду бепарво
Юргай нега насли ҳурдан тўрағон?!

Қани адолатинг, ўзинг аён қил,
Мен бир бечора-ю, сен ҳуру ғилмон?!

Ҳуснинг мўминларни чиқарса диндан,
Одобинг қайтадан айлар мусулмон!

Эгрини ўзига ким қилгай ошно?
Тўғрига тўғри мос, эй сарвиравон...

Аросатда қолган кимсанг Оллоёр,
Қўш қўлин дуога очганча ҳайрон?!

СОҒИНЧ ДЕҲҚОНИ

Мен соғинч экаман кўнгилга кун-тун,
Соғинч деҳқониман ғўр ёшлигимдан.
Яқинда кўк бўйи хирмон кўтардим
Ўсмирликда эккан бебошлигимдан.

Ишқим даласида бошоқлар бўлиқ,
Ахир унга қанча тер, ёш тўкканман.
Ундан сал берида даҳшат чакалак –
У ерга мен бир пайт дўстлик экканман.

Сара деб тутишган дам чирмовуқни,
Гоҳи зарпечак ҳам илашган экан.
Уларнинг тенг ярми тилашган омад,
Ярми эса ўлим тилашган экан.

Ўтаб, ягоналаб чиқсанг-чиқмасанг,
Чиқар қайта айтиб: ”Салому-алай...”
Ғуссам даласига бир кирсам йўқман:
Чегараси йўқдай, ҳеч алай-балай.

Жудаям олисда болалигим бор,
Унинг сўқмоқлари ўтга кўмилган.
У ерда чечаклар кўз очар наҳор,
Япроғи шундоқ кўзёшга чўмилган.

Сира улгурмайман меҳнатга банда:
Қуёш бу ён ботиб, чиқар у ёқдан.
Соғинч даласини тозалолмайман
Афсус деб аталган қамиш-қиёқдан.

Кескир баргларидан билаклар зада
Тунлари тинмасдан чиқар шовуллаб.
Юрак – аламзада, юрак – ғамзада,
Тинмай чандиқлари чиқар ловуллаб!

Мен соғинч экаман кўнгилга кун-тун...

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

«ПОСБОНИМАН МУҚАДДАС ЮРТНИНГ»

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёшлар бўлими ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги шеърий ва насрий асарлар асосида қўшиқлар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратиш мақсадида 18 ёшдан юқори бўлган барча ижодкорлар учун "Посбониман муқаддас юртнинг" танловини эълон қилади. Танловга 2021 йилда яратилган ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги шеърий ва насрий-публицистик асарлар қабул қилинади. Асарлар @posboniman телеграм манзили орқали юборилиши мумкин.

Муддат 2021 йил 25 декабрь.

Ғолиблар Ватан ҳимоячилари куни арафасида диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Мурожаат учун: 71 231-23-46

АФИША

«ИЛҲАҚ» ФИЛЬМИ КЎЗЛАРНИ ЯНА ЁШЛАНТИРДИ

Беларусь Республикаси пойтахти Минск шаҳрида бўлиб ўтган “Хазонрезги” (“Листопад”) халқаро кинофестивалида кинорежиссёр Жаҳонгир Аҳмедов томонидан суратга олинган “Илҳақ” бадиий фильми икки совринни – фестивалнинг олий – “Гран-при” ва “Кинода маънавият ва инсонпарварлик ғоялари учун” номли махсус мукофотини қўлга киритди. Шу муносабат билан Ж.Аҳмедовга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилдик.

— Эшитишимизга қараганда, “Илҳақ” фильми Беларусда ўтган халқаро кинофестивалдан ташқари бошқа қўшни давлатларда ҳам жуда яхши кутиб олинган экан...

– Беларусда “Илҳақ” фильмининг учта намойишини ўтказдик. Биринчи премьерамиз Гомель шаҳрида, ундан сўнг Витебскда бўлиб ўтди. Тақдимотдан олдин биз ижодкорларда бироз ҳадик бор эди. Чунки ўзбекнинг дардини, ўзбекона турмушни, ўзбекча урф-одатлар талқинини Беларусь томошабини қандай қабул қилади, деган савол барчамизни ўйлантирарди. Аммо фильм тугаб, залда чироқлар ёнганидан сўнг, ёшидан қатъий назар, томошабинларнинг кўзлари жиққа ёшга тўлганини кўрдик. Улар бош роль ижрочиси, Ўзбекистон халқ артисти Дилором Каримовани бағрига босиб, раҳматлар айтишди. Мухлислар қуршовидан соатлаб чиқолмаган пайтларимиз бўлди. Айнан ўша ерда Дилором Каримовага “Она, менинг онамга ўхшайсан”, деб мурожаат қилган қарияларни кўрдим. Марказий каналларда “Менинг онам ўғилларини урушда йўқотиб, умри бўзлаб ўтди, сенда мен онамнинг кўзларини кўрдим, сен менинг туққан онамсан” деб, йиғлаб интервью берган аёллар ҳам айнан ўша шаҳарлардан эди. Шу икки премьерадан сўнг ҳақиқатан ҳам ҳайратга тушдим. Демак, уруш бизнинг эмас, бутун башариятнинг фожиаси. Она эса барча миллату элат учун умуминсоний қадриятлигини ҳис этдим.

Учинчи асосий премьерамиз расмий намойиш бўлди. Бунда ҳакамлар ҳайъати ҳам, томошабинлар ҳам қатнашди. Томошабинлар орасида фестивалда қатнашиш учун келган қирқдан ортиқ делегация аъзолари, Беларусь киношунослари, режиссёрлар, мутахассислар бор эди. Очилиш маросимида бир гапни айтгандим: “Қайси миллатни билмоқчи бўлсанг, у миллатнинг онага бўлган муносабатини бил. Мен бугун сизларга ўзбекнинг онаси ҳақидаги, ўзбекнинг онага бўлган муносабати ҳақидаги фильмни олиб келдим”. Намойишдан сўнг грузин делегацияси аъзоси шундай деди: “Сенинг айтган сўзларинг бир умр эсимда қолди. Энди мен ўзбек миллатини ўз халқимдан кам севмайман".

Намойиш кўтаринки руҳда ўтди. Менда барибир ҳадик бор эди. Сабаби, Хитойдан бир неча танловлар ғолиби бўлган режиссёрларнинг қатнашаётганини кўрдик. Франциядан, Голландиядан ташриф буюрганлар бор, ҳатто машҳур Асқар Фарҳодий “Қаҳрамон” фильми билан қатнашаётганди. Очиғи, бундай нуфузли танловда иккита асосий мукофотни қўлга киритишимиз кутилмаган совға бўлди.

– Она образини ҳар томонлама очиб берган Ўзбекистон халқ артисти Дилором Каримовани бир кўришдаёқ Зулфия ая образига таклиф қилганмисиз ёки...

– Албатта, нафақат бош роллар, балки ҳар бир роль учун актёр ва актрисаларни синчиклаб кўздан кечирганмиз. Эсласангиз, кар, соқов почтачи Чори образи бор. Шу ролга беш нафар актёрни синовдан ўтказганмиз. Ўғиллар ва келинлар образи учун ҳам худди шундай фото ва видеосиновлар бўлган. Айниқса, бош ролларда хато қилмаслигим кераклигини яхши билардим. Бу, сиз айтганингиздек, Зулфия ая ва раис роллари эди.

Раис образи учун бир неча таниқли актёрлар синовдан ўтишди. Анча баҳс-мунозаралардан сўнг Тоҳир Саидовда тўхтадик. Зулфия ая образи учун ҳам халқимиз эътирофидаги актрисаларни жалб қилганмиз. Бир тўхтамга келишга ўйланиброқ турганимда, ёзувчи Хайриддин Султонов ва фильмнинг бадиий раҳбари Шуҳрат Ризаев тавсияси билан Дилором Каримовани фото ва видео синовдан ўтказиш жараёнидаёқ бу роль Дилором опаники эканини англадим. Мухлислар ва мутахассисларнинг эътирофи танловимиз хато бўлмаганини яққол кўрсатиб турибди. Кези келганда таниқли ёзувчи Эркин Аъзамнинг фильм муҳаррири сифатидаги хизматини таъкидлаб ўтмоқчиман.

— Билишимча, янги тарихий фильм устида иш бошлаш арафасида экансиз...

– Ҳозир ижодий гуруҳимиз билан XVII асрда Самарқанд ҳокими бўлган Ялангтўш Баҳодир ҳақида фильм олиш учун тайёрланяпмиз. Бу тарихий фильм ҳам ўзига хос талқинларга, бетакрор ижроларга ва эсда қоларли образларга бой бўлиши учун ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари, 1916 йилда бўлиб ўтган “Жиззах қўзғолони” ҳақида ҳикоя қилувчи “Бўйсунмас” деб номланган тарихий фильмни суратга олишни ҳам режалаштирганмиз.

Шуҳратбек ИСЛОМОВ суҳбатлашди.

ТАДБИР

КОНСТИТУЦИЯ – КЕЛАЖАГИМ

Юнусобод туманидаги 247-сонли умумтаълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллигига бағишлаб “Конститутция – келажагим” мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Бобур Бобомурод, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи Собир Ўнар, “Шарқ юлдузи” – “Звезда востока” журналлари бош муҳаррири, шоир Сирожиддин Рауф, Миллий гвардия Юнусобод қўриқлаш бўлими отряд командири Х.Тураев, Республика маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси бош мутахассиси Жасур Қобилов ҳамда ўқувчи ва ўқитувчилар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Конституциянинг яратилиш тарихи, унинг тарихий ва ҳуқуқий аҳамияти ҳақида тушунтиришлар бериб, Қомусимиз мамлакатимиз аҳолиси сиёсий тафаккурининг ноёб намунаси, юртимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатининг мустаҳкам кафолати эканини таъкидлаб ўтишди.

Шоирлар ўқиган шеърлар, ўқувчилар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари, куй ва қўшиқлар тадбирга кўтаринки кайфият ва файз бағишлади.

Бахтигул ЭСОНОВА,
Юнусобод туманидаги
247-мактаб ўқитувчиси

Тавалуд кунлар

Маҳмуд Исмоилов – 20 декабрь(1954) – Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.

Леким Ибрагимов – 21 декабрь (1944) – рассом, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми.

Шодмонқул Саломов – 23 декабрь (1980) – шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Нодир Норматов – 24 декабрь (1950) – ёзувчи, таржимон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Гулчеҳра Иброҳимбекова – 24 декабрь – Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.

Олим Давлатов – 24 декабрь (1976) – адабиётшунос олим, таржимон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ОБУНА – 2022

Азиз газетхон!

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”га 2022 йил учун обуна давом этмоқда.

– Мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналари, назмий ва насрий асарлар, бадиий публицистикада акс этган давр нафаси билан ошно бўласиз;

– жаҳон адабиётидан энг яхши таржималар;

– адабиётшунос олимларнинг илмий-таҳлилий мақолалари;

– юртимиз ва жаҳон санъати янгиликлари, санъат ва маданият тадбирлари ҳақидаги таҳлилий мақолалар;

– Ижод мактабларида кўз очаётган булоқлар – ёш истеъдод эгаларининг энг сара машқлари билан йил давомида танишиб борасиз.

Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари, “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамиятининг почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади.

Тошкент шаҳрида матбуот тарқатиш дўконлари орқали обуна бўлишингиз ҳам мумкин.

Нашр кўрсаткичи - 222. Ташкилотлар учун - 223.

МАЪНАВИЯТ ДАФТАРИ

Ҳаёт уйқудир, ўлимла уйғонур инсон. Сен шошил, ўлмасдан аввал уйғон.

Жалолиддин РУМИЙ

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз: akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Шуҳрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1477. Буюртма Г - 1244.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А- 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233- 57- 42; Санъат бўлими: 233- 56- 40; Назм ва наср бўлими: 233- 58- 60.